

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

8-сон
(1184)
2025 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

64. «Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 февралдаги ЎРҚ–1031-сон Қонуни
65. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 февралдаги ЎРҚ–1033-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

66. «Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ–26-сон Фармони

Бешинчи бўлим

67. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 15-yanvardagi 219-son “Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 17-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-17*)
68. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг 2025 йил 22 январдаги 3196-сон “Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш” Ўзбекистон Республикаси авиация қондаларини (AR-AIR-002) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3608*)
69. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 19 февралдаги 4-мх-сон “Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

64 Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 24 январда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларнинг, шунингдек юридик шахсларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик

Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

агент-банк — кафолатланган омонатлар бўйича компенсация тўлаш учун Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан танлаб олинган банк;

бадаллар — бир йўла тўланадиган, календарь ва махсус бадаллар тарзида банклар томонидан Омонатларни кафолатлаш жамғармасига тўланиши лозим бўлган пул маблағлари;

кафолатлаш объекти — омонатчининг банкдаги ушбу Қонунга мувофиқ кафолатланадиган пул маблағлари;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 19 февралда эълон қилинган.

кафолатланган омонат — кафолатланган омонатлар бўйича компенсация тўланадиган кафолатлаш объекти ёки унинг бир қисми;

кафолатланган омонатлар бўйича компенсация (бундан буён матнда компенсация деб юритилади) — кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан тўланадиган пул маблағлари;

кафолатлаш ҳодисаси — банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш ва банкни мажбурий тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан қарор қабул қилиниши натижасида юзага келадиган ҳолат;

Омонатларни кафолатлаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) — ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан бошқариладиган, алоҳида ажратилган маблағлар йиғиндиси;

омонатчи — банк билан банк омонати шартномасини ёки банк ҳисобварағи шартномасини тузган жисмоний ёки юридик шахс ёхуд омонат унинг фойдасига қўйилган шахс.

2-боб. Омонатларни кафолатлаш агентлигининг ҳуқуқий мақоми, фаолияти ва уни бошқариш

4-модда. Омонатларни кафолатлаш агентлигининг фаолияти тўғрисида умумий қоидалар

Омонатларни кафолатлаш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) давлат муассасаси бўлиб, у банклардаги омонатларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлаш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади.

Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жамғармани бошқариш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ушбу Қонунга мувофиқ компенсациялар тўлаш;

банкни санация қилишда Жамғарма ва санация жамғармаси маблағларидан фойдаланиш;

кафолатлаш объектларининг эгалари бўлган омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

жамоатчиликнинг банк тизимига бўлган ишончини ошириш ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш.

Агентлик ўз ваколатларини амалга оширишда мустақилдир.

Агентлик Жамғарма маблағларини ва санация жамғармаси маблағларини сақлаш учун Марказий банкда, шунингдек Агентликнинг операцион фаолиятини амалга ошириш учун тижорат банкида ҳисобварақлар очади.

Агентлик молиявий ёрдам кўрсатиши ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси бўлиши мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек юри-

дик шахсларга, шу жумладан банкларга Агентликнинг фаолиятига аралаштиш тақиқланади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Давлат муассасаларининг ташкил этилиши (қайта ташкил этилиши), фаолият юритиши ва тугатилиши тартибини белгилайдиган қонунчилик ҳужжатлари Агентликнинг фаолиятига нисбатан ушбу Қонунга зид бўлмаган қисм бўйича татбиқ этилади.

5-модда. Агентликнинг ҳуқуқлари

Агентлик:

банклардан ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган бадалларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўланишини талаб қилишга;

банклардан исталган вақтда кафолатлаш объектлари тўғрисидаги маълумотларни эгасизлантирилган тарзда, шу жумладан Агентлик ўз мажбуриятларини бажариши учун кафолатлаш объектлари ва кафолатланган омонат суммаларини аниқлаши учун зарур бўлган ахборотни сўраб олишга, шунингдек олинган ахборот бўйича тушунтириш берилишини талаб қилишга;

Марказий банкдан Агентлик ўз мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотни сўраб олишга;

махсус бадаллар тўланишини белгилашга;

Жамғарма маблағларини тўлдириш мақсадида юридик шахслардан қарзлар, шунингдек грантлар ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа қарз маблағларини олишга;

ушбу Қонунга мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга оширишга;

Жамғарма маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, ликвидликни таъминлаш учун Марказий банк томонидан мақбул деб топилган таъминот асосида Марказий банк билан кредит шартномаларини тузишга;

жамоатчиликни омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор этишни банклардан талаб қилишга;

банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида банкларга кўрсатмалар юборишга;

Марказий банк томонидан банкларда ўтказиладиган инспекцияда (текширувларда) банклар томонидан омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига банклар риоя этишга оид қисмида иштирок этишга;

компенсациялар тўлаш жараёнини амалга ошириш чоғида агент-банк вазифаларини бажариш учун бир ёки бир нечта банкни танлашга;

агар кафолатлаш ҳодисаси юзага келган банкнинг тугатувчиси (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) томонидан тақдим этилган ахборот ва маълумотлар компенсацияларни тўлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли бўлмаса, тугатувчидан қўшимча ахборот ва маълумотларни, шу жумладан ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини сўраб олишга ҳақли.

Агентлик қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6-модда. Агентликнинг мажбуриятлари

Агентлик:

омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банкларнинг реестрини юритиши;

календарь бадал ставкасини белгилаши;

ушбу Қонунга мувофиқ банклар томонидан Жамғармага тўланиши лозим бўлган бадалларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги, ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилганлиги устидан назоратни амалга ошириши;

Жамғарма маблағларидан ва санация жамғармаси маблағларидан банкларни санация қилишда фойдаланиши;

мунтазам равишда, бироқ уч йилда камида бир марта кафолатланган омонат миқдорини ва Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдорини баҳолаши; кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда компенсацияни ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда, шартларда ва миқдорларда тўлаши;

кафолатлаш объектлари эгаларига компенсациялар тўлаш учун Агентликка тақдим этилган реестрдаги ўзларига тааллуқли маълумотлар билан танишиш имкониятини бериши;

кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда компенсациялар тўлаш жараёни тўғрисидаги долзарб ахборотни ўз расмий веб-сайтида эълон қилиши, шунингдек омонатчиларнинг сўровларига кўра уларнинг талаблари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

ушбу Қонун талабларига мувофиқ жамоатчиликни омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор қилиши;

ушбу Қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган мажбуриятлар банклар томонидан бузилганлиги тўғрисида Марказий банкни хабардор қилиши;

ўз вазифаларини бажариш жараёнида банклар ва уларнинг омонатчилари тўғрисида маълум бўлиб қолган ахборотдан фақат Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадларида фойдаланиши;

ўз вазифаларини бажариш жараёнида ўзига маълум бўлиб қолган ёки ушбу Қонунга мувофиқ тақдим этилган маълумотларнинг, шу жумладан банк ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг бут сақланиши ва махфийлигини таъминлаши;

Жамғарма маблағларининг ва санация жамғармаси маблағларининг ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиши шарт.

Агентлик зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

7-модда. Агентликнинг бошқарув органлари

Агентликнинг кузатув кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) ва Агентликнинг бош директори (бундан буён матнда бош директор деб юритилади) Агентликнинг бошқарув органларидир.

8-модда. Кенгаш

Кенгаш Агентликнинг юқори бошқарув органидир.

Кенгаш беш нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркибига Марказий банк раиси, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциациясининг тегишинча мазкур давлат органи ва ташкилот томонидан тайинланган биттадан вакили ҳамда Марказий банк томонидан тайинланадиган мустақил аъзо киради.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган давлат органлари ва ташкилот Кенгаш аъзолари тайинланган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентликни хабардор қилади.

Марказий банк раиси Кенгаш раиси ҳисобланади. Раис ўринбосари Кенгаш аъзолари орасидан сайланади.

Кенгаш аъзоларининг ваколатлари муддати улар тайинланган кундан эътиборан беш йилни ташкил этади, бундан Кенгаш раиси мустасно. Кенгаш аъзолари такроран тайинланиши мумкин.

Кенгаш аъзоларига қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўланади.

Ваколатлари муддати тугаган Кенгаш аъзоси ўз вазифаларини Кенгашнинг янги аъзоси тайинлангунига қадар бажариб туради.

Кенгаш аъзолари уларнинг номзодини Кенгашда вакил сифатида кўрсатган давлат органларининг ёки ташкилотнинг манфаатларидан қатъи назар, ўз вазифаларини холисона бажариши шарт.

9-модда. Кенгаш аъзоларига қўйиладиган талаблар

Қўйидаги шахс Кенгаш аъзоси этиб тайинланиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасида яшаётган;

ишчанлик обрўсига доир талабларга мос бўлган;

олий иқтисодий ёки юридик маълумотга, молия-банк ёки ҳуқуқ соҳасида камида беш йил раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлган шахс.

Ишчанлик обрўсига доир талаблар қўйидагиларни ўз ичига олади:

иқтисодий соҳадаги жинояти ёки бошқарув тартибига қарши жинояти ёхуд жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жинояти учун тугалланмаган ёхуд олиб ташланмаган судланганлик ҳолати мавжуд эмаслигини;

молия (кредит) ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки банкрот деб топилишига ёки амалга ошираётган фаолияти тугатилишига олиб келган ҳаракатларни ва (ёки) ҳаракатсизликни содир этишга алоқадорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигини.

Қўйидаги шахс Кенгаш аъзоси бўлиши мумкин эмас:

банк ходими;

банкнинг устав капиталида беш фоиздан юқори улушга бевосита ёки билвосита эга бўлган шахс ёки шундай улушнинг бенефициар мулкдори;

банк бошқаруви аъзосининг, муҳим аҳамиятга эга ходимнинг ва ушбу қисмнинг учинчи хатбошисида кўрсатилган шахсларнинг яқин қариндоши;

Кенгаш аъзоларининг ва бош директорнинг яқин қариндоши;

эгаллаб турган лавозими Кенгаш аъзоси сифатидаги вазифаларини

бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган шахс.

10-модда. Кенгашнинг ваколатлари

Кенгаш:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

Агентликнинг уставини, одоб-ахлоқ кодексини, Агентликнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни, шунингдек уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлайди;

товарлар ва хизматларни харид қилиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракатларни режалаштириш қоидаларини, шунингдек уларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлайди;

Агентликнинг стратегик ва йиллик режаларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

Агентликнинг ташкилий тузилмасини ва штатлар жадвалини тасдиқлайди;

Агентликнинг йиллик бюджетини ва унга ўзгартиришларни, молиявий ҳисоботларни, йиллик ҳисоботни ва бошқа ҳисоботларни тасдиқлайди;

бош директорни лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади, унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

Агентлик ходимларининг, шу жумладан бош директорнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тасдиқлайди;

календарь бадал ставкасини барча банклар учун ягона бўлган ставкани ва (ёки) банкларнинг таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ставкаларни тасдиқлаш орқали белгилайди;

махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади, шу жумладан махсус бадал миқдорини ва уни тўлаш шартларини белгилайди;

Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдорининг, кафолатланган омонат миқдорининг етарлилигини баҳолаш ва банкнинг депозит базасини аниқлаш услубиятини тасдиқлайди, шунингдек унга мувофиқ Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдорини ва кафолатланган омонат миқдорини мунтазам равишда баҳолайди;

кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда ушбу Қонунда назарда тутилган шартларда ва миқдорларда компенсациялар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда уларнинг тўланишини ташкил этади;

Жамғарма маблағларидан ва санация жамғармаси маблағларидан банкларни санация қилишда фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Агентликнинг ички назорат ҳамда ички аудит хизмати ишини ташкил этади;

ҳар йилги мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш мезонларини тасдиқлайди ва аудиторлик ташкилотини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамғарма маблағларининг ҳақиқатдаги ёки эҳтимолий тақчиллиги мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қилади;

Жамғарма маблағларини инвестиция қилиш сиёсатини тасдиқлайди;

жамоатчиликни омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида хабардор этиш стратегиясини тасдиқлайди;

Жамғарма маблағлари тақчиллиги юзага келганда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ссудасини ёки Марказий банкдан кредит, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган юридик шахслардан қарз маблағларини жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Агентликнинг фаолияти билан боғлиқ халқаро ташкилотларда иштирок этиш ва уларга аъзо бўлиш, улар билан омонатларни кафолатлаш соҳасида ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилади;

Кенгаш аъзосининг ваколатларини тугатиш учун асослар юзага келганда Кенгаш аъзосини тайинлаган давлат органини ёки ташкилотни Кенгаш аъзосининг ваколатлари тугатилганлиги тўғрисида хабардор этади.

Кенгаш қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Кенгашнинг мажлислари

Кенгашнинг навбатдаги мажлислари йиллик жадвалга мувофиқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Йиллик жадвал Кенгаш раиси томонидан ҳар йилнинг 31 декабридан кечиктирмай тасдиқланади.

Кенгашнинг навбатдаги мажлислари Кенгаш раиси томонидан чақирилади.

Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлислари Кенгаш раиси, Кенгашнинг икки нафар аъзоси ёки бош директор томонидан исталган вақтда чақирилиши мумкин.

Кенгаш мажлиси унда Кенгашнинг камида уч нафар аъзоси иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади.

Кенгашнинг қарорлари Кенгаш мажлисида иштирок этаётган Кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Кенгаш мажлисларида Кенгаш раиси, у йўқ бўлганда эса — Кенгаш раисининг ўринбосари раислик қилади. Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари йўқ бўлган тақдирда Кенгаш мажлисида иштирок этаётган Кенгаш аъзолари Кенгаш аъзоларидан бирини Кенгаш мажлисида раислик қилувчи вазифасини бажариш учун сайлайди.

Кенгаш мажлислари Кенгаш аъзоларининг бевосита иштирокида, алоҳида ҳолларда видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Кенгаш мажлисларининг баённомалари Кенгаш мажлисида ҳозир бўлган барча аъзолар томонидан имзоланади.

Эхтимолӣ манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлмаган тақдирда, Бош директор Кенгаш мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиши мумкин.

Кенгаш кўрилаётган масалалар бўйича фикр билдириш учун Кенгаш мажлисларига учинчи шахсларни, шу жумладан банкларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз ва махфӣ ахборотни ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш шарти билан таклиф этиши мумкин.

Кенгаш мажлисларини ўтказиш тартиби Кенгаш томонидан белгиланади.

12-модда. Кенгаш аъзоларининг ваколатларини тугатиш

Кенгаш аъзоларининг ваколатларини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Кенгаш аъзосининг ваколатлари муддати тугаганлиги;

Кенгаш аъзоси уни тайинлаган давлат органи ёки ташкилот томонидан чақириб олинганлиги;

Кенгашнинг аъзоси ўн икки ой давомида камида учта мажлисда узрли сабабларсиз йўқ бўлганлиги;

суднинг Кенгаш аъзосини жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ҳақидаги қонуний кучга кирган айблов ҳукми мавжудлиги;

Кенгаш аъзосининг ушбу Қонуннинг 9-моддасида белгиланган талабларга жавоб бермаслигини тасдиқловчи асослар юзага келганлиги;

давлат тиббий комиссиясининг хулосасига асосан Кенгаш аъзоси соғлигининг ҳолатига кўра ўз вазифаларини бажара олмаслиги;

одоб-ахлоқ кодекси нормаларини жиддий тарзда бузганлиги, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор қилмаганлиги;

Кенгаш аъзоси вафот этганлиги ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинганлиги.

Кенгаш раиси ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган давлат органларидан ва ташкилотдан Кенгаш аъзосини тайинлашни, шу жумладан ваколатлари тугатилган Кенгаш аъзосининг ўрнига Кенгаш аъзосини тайинлашни талаб қилишга ҳақли. Бунда Кенгаш аъзоларини тайинловчи давлат органлари ва ташкилот мазкур талаб олинган кундан эътиборан етти иш куни ичида Кенгаш аъзосини тайинлаши шарт.

13-модда. Бош директор

Бош директор Агентликнинг жорий фаолияти учун жавобгар бўлади ва уни бошқаради.

Бош директор Кенгаш томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош директор ушбу Қонуннинг 9-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Бош директор беш йил муддатга тайинланади. Ишининг самарадорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, айти бир шахс бош директор лавозимида кейинги муддатларга тайинланиши мумкин.

Бош директор Кенгашга ҳисобдордир.

Бош директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Агентликнинг ички ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан тартибга солинади.

Бош директор:

ушбу Қонун билан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун жавобгар бўлади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижда Агентлик номидан ишончномасиз иш юритади;

Кенгаш қарорларининг ижросини таъминлайди;
ушбу Қонунда назарда тутилган бадалларнинг банклар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилганлиги устидан назоратни амалга оширади;
компенсациялар тўланишини ташкил этади;
Агентликнинг мол-мулкни бошқаради;
Агентликнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳисоботлари тайёрланишини таъминлайди;
Агентликнинг номидан битимлар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади;
Агентликнинг ҳар йилги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилишини таъминлайди;
банклар томонидан банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари тўғрисида Марказий банкни хабардор этади;
Кенгашнинг ваколатига кирадиган масалаларни Кенгаш муҳокамасига киритади.
Бош директорнинг зиммасида Кенгаш қарорларига ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Омонатларни кафолатлаш тизими.

Жамғарма маблағларини бошқариш

14-модда. Омонатларни кафолатлаш тизими ва унинг иштирокчилари

Омонатларни кафолатлаш тизими (бундан буён матнда кафолатлаш тизими деб юритилади) кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда Агентлик томонидан омонатчиларга компенсацияларни тўлаш орқали омонатчиларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Кафолатлаш тизимида Агентлик, банклар ва кафолатлаш объектларининг эгалари иштирок этади.

Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) эга бўлган банкнинг кафолатлаш тизимида иштирок этиши шарт.

Банк, шу жумладан микроолия банки ва қонунчиликка мувофиқ ташкил этилган оралиқ банк лицензия берилган пайдан эътиборан кафолатлаш тизимининг иштирокчисига айланади.

Банкнинг кафолатлаш тизимидаги иштироки лицензия Марказий банк томонидан чақириб олинган тақдирда тугатилади.

15-модда. Кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банкнинг мажбуриятлари

Кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банк:
ушбу Қонунда назарда тутилган бадалларни ўз вақтида ва тўлиқ миқ-

дорда тўлаши, бундан ушбу Қонун 17-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тўланган бадаллар тўғри ҳисобланганлигини тасдиқловчи маълумотларни Марказий банк томонидан белгиланган шаклда Агентликка тақдим этиши; омонатчининг сўровига кўра банкнинг кафолатлаш тизимидаги иштироки, қонунчиликка мувофиқ тўланадиган компенсация миқдорлари ва уни тўлаш тартиби тўғрисида ахборот бериши;

омонатчилар ва кафолатлаш объектлари тўғрисида аниқ ва тўғри маълумотларга эга бўлиши;

кафолатлаш объектлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банк томонидан белгиланган тартибга мувофиқ эгасизлантирилган тарзда, Агентликнинг сўровига кўра тақдим этиши;

Агентлик ўз мажбуриятларини бажариши учун унга бошқа ахборот ресурсларидан, шунингдек банкнинг бошланғич ҳисоб ҳужжатларидан қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш имкониятини бериши;

кафолатлаш тизими тўғрисида жамоатчиликни хабардор этиши;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида омонатчиларни хабардор этиши шарт.

Банкнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. Жамғарма маблағларини шакллантириш

Жамғарма маблағларининг манбалари қуйидагилардан иборат: банкларнинг бир йўла тўланадиган, календарь ва махсус бадаллари; бадаллар ўз вақтида ва (ёки) тўлиқ тўланмаганлиги учун пенялар; Агентликнинг тугатилаётган банкка нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини қаноатлантиришдан олинган маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромадлар;

юрidik шахслардан, шу жумладан халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган қарзлар, грантлар, хайрия маблағлари, шунингдек ушбу Қонунга мувофиқ жалб этилган бошқа қарз маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдори банклардаги кафолатлаш объектлари умумий суммасининг беш фоизи даражасида белгиланади. Мазкур миқдор Жамғарма маблағларининг, шу жумладан инвестиция қилинган маблағларнинг ҳар чоракнинг охири кунидаги ҳолатга кўра барча банкларнинг депозит базасига бўлган нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Бунда Агентлик томонидан жалб этилган кредит ва қарз маблағларининг суммаси Жамғарманинг маблағларида ҳисобга олинмайди.

Жамғарма маблағларининг миқдори ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган мақсадли миқдордан ошган ҳамда кетма-кет икки йил давомида Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдоридан юқори даражада сақланиб турган тақдирда, Кенгаш календарь бадалнинг ставкасини Агентликнинг маъ-

мурий ва операцион харажатлари ўрнини тўлиқ қоплаш учун етарли бўлган даражагача пасайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Жамғарма маблағларининг миқдори ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган мақсадли миқдордан камайиб кетган тақдирда, Кенгаш календарь бадал ставкасини қайта кўриб чиқиши керак.

Жамғарманинг маблағларини хатлаш, ундирувни ушбу маблағларга қаратиш ёки уларни ушлаб қолиш мумкин эмас.

17-модда. Жамғармага тўланадиган бадаллар

Банклар Жамғармага бир йўла тўланадиган, календарь ва махсус бадаллар тўлайди.

Оралик банк бир йўла тўланадиган бадални, шунингдек унга лицензия берилган кундан эътиборан олти ой давомида календарь ва махсус бадалларни тўлашдан озод этилади. Мазкур бадалларни тўлашдан озод этилганлик оралик банкнинг ушбу Қонунда назарда тутилган талабларга риоя этиш мажбуриятини, шу жумладан Агентликка маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини, шунингдек кафолатлаш ҳодисаси юзага келганда оралик банкдаги кафолатланган омонатлар бўйича компенсациялар тўлаш бўйича Агентликнинг мажбуриятини бекор қилмайди.

Жамғармага бадаллар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади. Тўланган бадаллар суммаси банкларнинг харажатлари жумласига киритилади ва солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

Банк томонидан ушбу Қонунга мувофиқ тўланадиган бадаллар ва бошқа тўловлар банкнинг лицензияси қақриб олинган кунга қадар ҳисобланади ва мазкур банк омонатларни кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банкларнинг реестридан чиқарилганлигидан қатъи назар, Агентликка тўланиши керак.

18-модда. Бир йўла тўланадиган бадал

Бир йўла тўланадиган бадал деганда янгидан ташкил этилган банк томонидан, бундан оралик банк ва қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган банк мустасно, Жамғармага дастлабки тўланадиган пул маблағлари тушунилади.

Банкнинг бир йўла тўланадиган бадали миқдори қонунчиликда белгиланган банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Банк томонидан бир йўла тўланадиган бадал лицензия берилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тўланиши керак.

19-модда. Календарь бадал

Календарь бадал деганда банк томонидан Жамғармага ҳар чоракда тўланадиган пул маблағлари тушунилади.

Календарь бадал ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмай тўланиши керак.

Календарь бадал суммасини ҳисоб-китоб қилиш Кенгаш томонидан бел-

гиланган календарь бадал ставкасини банкнинг депозит базаси суммасига кўпайтириш орқали амалга оширилади.

Календарь бадал ставкаси чорак учун 0,5 фоиздан ошиши мумкин эмас. Календарь бадалнинг ставкаси ҳар йил 30 октябрдан кечиктирмасдан белгиланади.

Банкнинг депозит базасини аниқлаш тартиби Кенгаш томонидан белгиланади.

Агар Кенгаш календарь бадал ставкасини банкларнинг таваккалчиликлари даражасидан келиб чиқиб тасдиқлаган бўлса, банкларнинг таваккалчиликлари даражасини баҳолаш Кенгаш томонидан тасдиқланган услубият асосида ёки Марказий банк томонидан тақдим этилган таваккалчиликлар таснифи асосида амалга оширилади. Мазкур қисмда назарда тутилган банкларнинг таваккалчиликлари даражаси баҳоси ошкор этилмайди, бундан таваккалчиликлар даражаси гуруҳлари тўғрисидаги ахборот мустасно. Агентлик банкнинг таваккалчиликлари даражаси баҳоси ҳақида мазкур банкка ҳамда Марказий банкка хабар беради.

Календарь бадалнинг тасдиқланган ставкаси тўғрисидаги ахборот Агентлик томонидан банкларга ва Марказий банкка ставка тасдиқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида тақдим этилади. Кенгаш томонидан календарь бадал ставкаси ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда тасдиқланмаган тақдирда, кейинги молиявий йил учун амалда бўлган календарь бадал ставкаси қўлланилади.

Марказий банк томонидан омонатларга пул маблағлари жалб қилинишининг тўхтатиб турилиши ёки лицензиянинг чақириб олиниши банкни тегишли чорак учун календарь бадални тўлашдан озод этмайди.

Лицензия чақириб олинган тақдирда жорий чорак учун календарь бадал мазкур чорак бошидан лицензия чақириб олинган санага қадар ўтган кунлар сонига мутаносиб равишда ҳисобланади.

Календарь бадал белгиланган муддатларда тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, Марказий банк томонидан қонунчиликка мувофиқ қўлланилиши мумкин бўлган бошқа чоралар ва санкциялардан қатъи назар, тўланмаган суммага ҳар бир муддати ўтган кун учун Марказий банк асосий ставкасининг икки баравари миқдорида пеня ҳисобланади.

Ҳисобот чораги учун тўланган календарь бадалнинг ортиқча суммаси келгуси календарь бадал ҳисобида ҳисобга олинади. Лицензия чақириб олинган тақдирда, ушбу Қонунга мувофиқ омонатчилардан Агентликка ўтган тугатилаётган банкка нисбатан талаблар ортиқча тўланган бадаллар суммасига камаяди.

20-модда. Махсус бадал

Махсус бадал деганда календарь бадалга қўшимча равишда Жамғармага тўланадиган пул маблағлари тушунилади.

Махсус бадал Жамғарма маблағларининг ҳақиқатдаги ёки эҳтимолдаги тақчиллигини бартараф этиш ва (ёки) компенсациялар тўлаш ёки санация воситаларини қўллаш учун жалб этилган қарз маблағларини тўлаш,

шунингдек Жамғарма маблағларидан фойдаланилганидан кейин Жамғарма маблағларини белгиланган муддатларда мақсадли миқдорга етказиш учун белгиланади.

Махсус бадаллардан Агентликнинг маъмурий харажатларини молиялаштириш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Махсус бадаллар қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда белгиланиши мумкин:

махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан аввалги ўн икки ой давомида мазкур бадаллар ундирилмаган бўлиши;

фаолиятини лицензия олинган кундан эътиборан бир йилдан ортиқ амалга ошираётган банкнинг махсус бадали миқдори махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан олдинги чоракнинг охиригача қуни ҳолатига кўра банкнинг шундай банкларнинг жами депозит базасидаги улушига мутаносиб бўлиши ҳамда махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан аввалги ўн икки ой давомида банк тўлаши лозим бўлган календарь бадаллар миқдоридан ошмаслиги;

фаолиятини лицензия олинган кундан эътиборан бир йилдан кам амалга ошираётган банкнинг махсус бадали миқдори махсус бадални белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган санага қадар банк тўлаши лозим бўлган календарь бадаллар миқдоридан ошмаслиги.

Кенгашнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори Марказий банк билан келишилиши лозим. Мазкур қарорни келишишда Марказий банк махсус бадал тўланишининг Ўзбекистон Республикаси молиявий барқарорлигига ва банкларнинг молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олади.

Агар Марказий банк махсус бадални тўлаш бир банкнинг ёки бир нечта банкнинг тўлов қобилиятига таҳдид солиши мумкин деган қарорга келса, Марказий банк Агентликдан мазкур банкка (банкларга) махсус бадални тўлаши учун олти ойдан ортиқ бўлмаган бошқа муддат белгиланишини талаб қилиши мумкин. Бунда Марказий банк Агентликнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида Агентликка қабул қилган қарори тўғрисида хабар бериши керак.

Агентлик Кенгашнинг махсус бадални белгилаш тўғрисидаги қарори Марказий банк билан келишилган кундан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай банкларни ва молиявий барқарорлик бўйича тузиладиган махсус кенгашни қуйидагиларни кўрсатган ҳолда хабардор қилади:

махсус бадални белгилаш асосларини;

банк томонидан тўланиши лозим бўлган суммаларни;

банк хабардор қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам бўлмаган тўлов муддатини (ушбу модда олтинчи қисмининг талабларини инобатга олган ҳолда).

Махсус бадални тўлаш банкни календарь бадални тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

21-модда. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

Жамғарманинг маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

ушбу Қонунга мувофиқ компенсациялар тўлаш;

банкларнинг санация воситаларини қўллашни молиялаштириш;

ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган операцияларни, шунингдек Агентликнинг бюджетида назарда тутилган бошқа операцияларни молиялаштириш;

Агентлик томонидан ушбу Қонунга мувофиқ жалб этилган кредитларни ва бошқа қарз маблағларини тўлаш;

Агентликнинг бюджетида назарда тутилган маъмурий харажатларни молиялаштириш.

Агентлик банкларнинг санация воситаларини қўллашни молиялаштириш учун Жамғарма маблағларидан қуйидаги энг кам миқдорларнинг бирдан фойдаланишга ҳақли:

санация қилинаётган банкнинг кафолатланган омонатлари жами суммасидан ошмаган миқдорда;

банкларни санация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санага Жамғарма маблағлари қолдигининг қирқ фоизидан ошмаган миқдорда.

Агентликнинг активлари ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқлари (талаблари) Жамғармага жалб этиладиган маблағлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти сифатида гаровга киритилиши мумкин.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган активлардан ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган мулкӣ ҳуқуқлардан (талаблардан) Агентликнинг компенсациялар тўлаш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларининг, шунингдек унинг ходимлари ва бошқа шахслар мажбуриятларининг бажарилиш таъминоти сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

22-модда. Жамғарма маблағларини инвестиция қилиш

Жамғарманинг маблағларини инвестиция қилиш инвестиция сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

Жамғарма маблағлари улар қийматининг бир қисмини бироз йўқотиш ёки йўқотишларсиз пул маблағлари тарзида етти иш куни ичида қайтарилиши мумкин бўлган, таваккалчилик даражаси паст бўлган қуйидаги активларга инвестиция қилиниши мумкин:

пул маблағларга ва уларнинг эквивалентларига;

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган давлат қимматли қоғозларига, шунингдек Марказий банкнинг облигацияларига;

рўйхати ва баҳолари Кенгаш томонидан аниқланадиган ҳамда Марказий банк билан келишиладиган халқаро рейтинг компанияларининг кредит рейтингига эга бўлган чет давлатларнинг ёки марказий (миллий) банкларнинг қимматли қоғозларига;

халқаро молия институтлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга;

Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва чет эл валюталарида очилган депозитларига;

рўйхати ва баҳолари Кенгаш томонидан аниқланадиган ҳамда Марка-

зий банк билан келишиладиган рейтинг компаниялари рейтингга эга бўлган банкларнинг қисқа муддатли депозитларига, бунда мазкур инвестицияларнинг миқдори жами инвестиция қилинган маблағларнинг йигирма фоизидан ошмаслиги керак;

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга;

ушбу қисмнинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган эмитентлар томонидан тўлиқ кафолатланган бошқа ликвидли қимматли қоғозларга; банкларнинг ликвидлигини бошқаришга доир талаблар доирасида Марказий банк томонидан белгиланган бошқа юқори ликвидли активларга.

Агентлик ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган активлардан Марказий банкдан жалб этилган кредит бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти сифатида фойдаланишга ҳақли.

Кенгаш инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда Агентликнинг ликвидлиликка бўлган эҳтиёжини инобатга олиши, ликвидлиликни сақлаб туриши, Жамғарманинг жойлаштириладиган маблағларига инвестиция қилиниши мумкин бўлган активларнинг хавфсизлигини, шунингдек инвестиция фаолиятдан фойда олиш Агентликнинг бирламчи мақсади бўлмаслигини инобатга олиши керак.

Агентликнинг инвестиция сиёсатида Жамғарма маблағларини ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган инвестиция қилиниши мумкин бўлган активларга жойлаштириш тартиби, мезонлари, лимитлари, концентрацияси ва қайтариш муддатлари белгиланади.

Агентлик чет эл шахсларидан олинган қарз маблағларини ёки Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига инвестиция қилишдан олинган чет эл валютасидаги маблағларни Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасига конвертация қилишни таъминлаш учун Марказий банкда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Агентликнинг Жамғарма маблағларини инвестиция қилишдан олинган даромадлари фойда солиғидан озод этилади.

23-модда. Жамғарма маблағларининг тақчиллигини бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банкнинг кредити ҳисобидан қоплаш

Жамғарма маблағларининг тақчиллигини махсус бадал, шунингдек жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қоплаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бюджет ссудасини ва (ёки) Марказий банкдан кредит жалб этиши мумкин.

Марказий банк ликвидлиликни таъминлаш учун Агентликка Марказий банк томонидан мақбул деб топилган мажбуриятларнинг бажарилиш таъминоти шarti билан кредит беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет ссудаси шартлари Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (бундан буён матнда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги деб юритилади) ўртасида келишилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори кучга кирганидан кейин бюджет ссудаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Агентликнинг ёзма сўрови келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Агентликка ажратилиши керак.

Жамғарма маблағларининг тақчиллигини қоплаш учун Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банк кредитлари бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлган, ўхшаш тўлаш муддатига эга бўлган қарз воситалари бўйича фоиз ставкасидан юқори бўлиши мумкин эмас.

Бозор конъюнктураси яхшиланиши биланоқ Кенгаш ушбу Қонуннинг 19 ва 20-моддалари талабларига мувофиқ календарь бадал ставкасини ошириш ва махсус бадални белгилаш орқали банклардан маблағлар йиғиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган бюджет ссудаси ва (ёки) Марказий банк кредитини қайтариш бўйича зарур бўлган чораларни кўриши керак.

Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу моддада назарда тутилган бюджет ссудасини жалб этиш тартиби ва шартларини белгиловчи битим тузиши керак.

24-модда. Жамғарма маблағлари мақсадли миқдорининг ва кафолатланган омонат миқдорининг етарлилигини баҳолаш

Агентлик Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдори ва кафолатланган омонат миқдори етарлилигини баҳолашни уч йилда камида бир марта амалга ошириши шарт.

Агар Агентлик ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган баҳолаш натижалари асосида Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдорини ва (ёки) кафолатланган омонат миқдорини ўзгартириш зарурлиги тўғрисида хулосага келса, Кенгаш уларни ўзгартириш ҳақидаги таклифни кўриб чиқиш учун Марказий банкка киритади.

Марказий банк Кенгаш томонидан тақдим этилган баҳолаш натижаларига розилик билдирган тақдирда, ушбу Қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

Агентлик томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий банк билан келишилган Жамғарма маблағлари мақсадли миқдорининг, кафолатланган омонат миқдорининг етарлилигини баҳолаш ҳамда банкнинг депозит базасини аниқлаш услубияти Кенгаш томонидан тасдиқланади.

4-боб. Кафолатлаш объектлари, компенсациялар тўлаш тартиби. Омонатчиларнинг ҳуқуқлари

25-модда. Кафолатлаш объектлари

Жисмоний шахсларнинг, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар-

нинг, шунингдек юридик шахсларнинг банклардаги Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ва чет эл валютасидаги омонатлари кафолатлаш объектларидир, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган омонатлар мустасно.

Кафолатлаш объектини аниқлашда қуйидагилар омонат деб ҳисобланади:

банк омонати шартномасига ёки банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ банкка қўйилган, шу жумладан шартноманинг тегишли шартлари бажарилгунига қадар алоҳида ҳисобварақларда сақланадиган («эскроу» хизмати), шунингдек омонат (депозит) сертификатлари билан тасдиқланган пул маблағларининг қолдиғи;

банк омонати шартномаси ёки банк ҳисобварағи шартномаси бўйича ҳисобланган, бироқ кафолатлаш ҳодисаси юзага келгунига қадар тўланмаган фоизларнинг қолдиғи, агар уларни ҳисоблаш мазкур шартномаларда назарда тутилган бўлса, шунингдек омонат (депозит) сертификатида белгиланган фоизларнинг ҳисобланган, бироқ тўланмаган қолдиғи.

Қуйидагилар кафолатлаш объекти бўлмайди:

банкларнинг, nobank кредит ташкилотларининг, лизинг ташкилотларининг, суғурта ташкилотларининг, инвестиция ва пай фондларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлат ваколатли органининг тегишли лицензиясига ёки рухсатига асосан фаолият юритаётган ёхуд фаолиятини ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошираётган бошқа молия ташкилотларининг омонатлари;

давлат ташкилотлари ва корхоналарининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг давлат органлари омонатлари;

банкка алоқадор шахсларнинг омонатлари, бундан банкнинг бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимларининг охириги уч ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари миқдоридан ошмайдиган омонатлари мустасно;

чет элда очилган шуъба банклардаги ёки банк филиалларидаги омонатлар;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган пул маблағлари;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятдан олинганлиги суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланган пул маблағлари.

Қуйидагилар омонат ҳисобланмайди:

акциялар ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ банкнинг регулятив капитали таркибига киритилган бошқа воситалар;

банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлари (таъминланган ва таъминланмаган облигациялар, оддий векселлар);

банкнинг субординар қарз мажбуриятлари;

банкнинг сейфларида сақланаётган пул маблағлари;

хосила молиявий воситалар, жумладан банк томонидан чиқарилган

фьючерслар, форвард контрактлари, своплар ва опционлар бўйича юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқи;

банкнинг мол-мулкни ишончли бошқариш фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган талаб қилиш ҳуқуқи.

26-модда. Компенсация миқдори

Бир банкда бир омонатчига тўланадиган компенсация қуйидаги миқдорни ташкил этади:

кафолатлаш объекти қолдигининг тўлиқ ҳажмини, агар унинг миқдори икки юз миллион сўм ёки ундан кам бўлса;

икки юз миллион сўмни, агар кафолатлаш объектининг қолдиги икки юз миллион сўмдан кўп бўлса.

Омонатчи битта банкда бир нечта кафолатлаш объектларига эга бўлган тақдирда, мазкур кафолатлаш объектлари бўйича тўланадиган компенсациянинг умумий миқдори кафолатлаш объектининг миқдори ва валютасидан қатъи назар, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошмаслиги керак, бундан ушбу Қонун 28-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

27-модда. Компенсация тўлашнинг умумий принциплари

Кафолатлаш объекти эгаси бўлган омонатчиларда кафолатлаш ҳодисаси юз берган санадан эътиборан Агентликдан кафолатланган омонат миқдоридан ошмаган суммада компенсациялар тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи, Агентликда эса кафолатлаш объекти эгаси бўлган омонатчилар олдида компенсацияларни тўлаш мажбурияти юзага келади.

Компенсациянинг суммаси кафолатлаш ҳодисаси юз берган санага ҳисоб-китоб қилинади ва тугатувчи томонидан ушбу Қонун 29-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тақдим этиладиган реестр асосида Агентлик томонидан тўланади. Бунда, агар омонатчининг банк олдида мажбурияти мавжуд бўлса, компенсация суммаси кафолатланган омонат (кафолатланган омонатлар) ва омонатчининг бундай банк олдидаги ижро муддати етиб келган мажбурияти (мажбуриятлари) суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Агар банк омонати шартномасида ёки банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, компенсация қуйидаги шахсларга тўланади:

омонатчиларга, шу жумладан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга;

учинчи шахсларга, агар омонат учинчи шахслар, шу жумладан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар фойдасига қўйилган бўлса;

қонуний вакилларга ёки қонуний вакилларнинг розилиги билан вояга етмаган шахсларга, агар омонат ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган учинчи шахслар фойдасига қўйилган бўлса.

Агар кафолатлаш объекти омонатчининг ёки учинчи шахснинг тугатилаётган банк ёки учинчи шахс олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши таъминоти сифатида гаровга қўйилган бўлса, компенсация:

кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санада ёки агент-банк томонидан компенсация тўлаш учун белгиланган муддат давомида қарздор томонидан олинган мажбурият бекор бўлган (бажарилган) тақдирда, омонатчига тўланади; мажбурият бекор бўлмаган (бажарилмаган) тақдирда, мажбуриятнинг бажарилиш таъминоти сифатида омонатчининг бошқа банкда очилган ҳисобварағига ўтказилади.

Агар кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санада кафолатлаш объекти омонатчининг тугатилаётган банк олдидаги мажбуриятининг бажарилиши таъминоти сифатида гаровга қўйилган бўлса ҳамда унинг миқдори фақат мазкур мажбуриятни бажариш учун етарли бўлса, кафолатлаш объекти мажбуриятни бажаришга йўналтирилади.

Чет эл валютасидаги кафолатланган омонат бўйича компенсация Марказий банкнинг кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадаги курси бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

Омонатчига умумий суммаси ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошадиган бир нечта кафолатланган омонатлар бўйича компенсация тўланган тақдирда, компенсация ҳар бир омонатнинг тугатилаётган банкдаги умумий омонатлар миқдоридagi улушига мутаносиб равишда тўланган деб ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганда компенсация меросхўрлар ва ҳуқуқий ворислар ёки уларнинг ваколатли вакилларига тўланади.

Ушбу Қонунга асосан тўланадиган компенсациялар тугатиш жараёнидаги банкдан банк омонати ва (ёки) банк ҳисобварағи шартномаси бўйича қайтарилаётган пул маблағлари деб ҳисобланади.

28-модда. Қўшимча компенсация

Ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда, кафолатлаш объекти эгаси бўлган омонатчи қўшимча компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кафолатлаш объекти меросга бўлган ҳуқуқ бўйича олинганда ёки банк қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган кундан эътиборан олти ой давомида кафолатлаш ҳодисаси юзага келса, кафолатлаш объекти эгаси бўлган омонатчига қўшимча равишда тўланадиган пул маблағлари қўшимча компенсациядир.

Банк қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда, қўшимча компенсация қайта ташкил этишда иштирок этган ҳар бир банкдаги кафолатлаш объектлари бўйича тўланади. Бунда қайта ташкил этишда иштирок этган банкда бир нечта кафолатлаш объекти мавжуд бўлса, улар бўйича тўланадиган қўшимча компенсацияга нисбатан ушбу Қонун 27-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган усул қўлланилади.

Қўшиб олиш ва қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш натижасида ҳуқуқий ворис бўлган банк қайта ташкил этиш жараёни тугаган кундан эътиборан беш кун ичида қўшимча компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган омонатчиларни ва Агентликни қўшимча компенсация олиш ҳуқуқи амал қилиш муддати тугаши санаси тўғрисида хабардор этади.

Қўшимча компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлган омонатчилар олти ой муддатда кафолатлаш объектининг кафолатланган омонат миқдоридан ошадиган қисмини ҳамда ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни муддатидан олдин олишга ҳақли. Бунда омонат ва фоизларни муддатидан олдин олганлик учун тўлов ундирилмайди.

29-модда. Компенсациялар тўлаш тартиби

Тугатувчи Агентликка компенсация тўлаш жараёнига тайёргарлик кўришга кўмаклашиши, Агентлик ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ва сўралган ахборот ва маълумотларни унга тақдим этиши шарт.

Тугатувчи кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадан эътиборан ўн иш куни ичида Агентликка:

омонатчиларнинг ва кафолатлаш объектларининг реестрини ҳамда тугатилаётган банкнинг омонатчиларга бўлган талаблари тўғрисидаги ахборотни;

кафолатлаш объектлари эгаларига тўланиши лозим бўлган суммалар ҳақидаги, шу жумладан таъминот сифатида берилган, хатланган, суд низоси предмети бўлган ёки учинчи шахслар фойдасига қўйилган кафолатлаш объектлари тўғрисидаги маълумотларни;

тугатилаётган банкнинг филиал тармоғи тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт. Ушбу қисмга мувофиқ тақдим этиладиган реестрнинг, маълумотларнинг ва ахборотнинг шакли Марказий банк томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган реестр, маълумотлар ёки ахборот ўзгарган тақдирда, тугатувчи ўзгаришларни инобатга олган ҳолда уни (уларни) қайтадан тақдим этади.

Агентлик тугатувчидан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган реестр, маълумотлар ва ахборот олинган кундан эътиборан икки иш куни ичида:

1) оммавий ахборот воситаларида ва ўз расмий веб-сайтида кафолатлаш ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги ахборотни эълон қилади, ахборот қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компенсацияларни тўлаш муддатини, жойини ва усулини;

компенсацияларни олиш учун омонатчилар томонидан бажарилиши керак бўлган шартларни;

2) омонатчиларга компенсацияларни тўлаш учун Агентликка тақдим этилган реестрдаги ўзларига тааллуқли маълумотлар билан танишиш имкониятини беради.

Агентлик тугатилаётган банк омонатчиларининг камида тўртдан уч қисмига компенсацияларни олиш имкониятини:

2025 йил 1 январдан бошлаб — кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадан эътиборан йигирма иш куни ичида;

2026 йил 1 январдан бошлаб — кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадан эътиборан ўн беш иш куни ичида;

2027 йил 1 январдан бошлаб — кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санадан эътиборан етти иш кунида таъминлаши шарт.

Ушбу модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда тугатувчи Агентликка ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган реестрни, маълумотларни ва ахборотни саккиз иш куни ичида тақдим этади, Агентлик эса ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тадбирларни икки иш куни ичида амалга оширади.

Ушбу модда бешинчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолда тугатувчи Агентликка ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган реестрни, маълумотларни ва ахборотни уч иш куни ичида тақдим этади, Агентлик эса ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тадбирларни бир иш куни ичида амалга оширади.

Компенсациялар агент-банк орқали тўланиши, омонатчининг (олувчининг) бошқа банкда очилган ҳисобварағига ўтказилиши ёки Кенгаш томонидан белгиланган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Агент-банк вазифаларини бажариш учун Агентлик Марказий банк билан келишилган ҳолда Кенгаш томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқ бўлган битта ёки бир нечта банкни танлаши мумкин.

Агент-банк Агентлик билан тузилган шартномага мувофиқ Агентлик номидан иш юритади ва компенсацияларни тўлаш жараёнини амалга оширади, омонатчиларни идентификациялайди. Агент-банк компенсацияларни тўлаш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида зарур ҳужжатларни талаб қилишга ҳам ҳақли. Агент-банк томонидан компенсацияларни тўлаш учун белгиланадиган муддат бир йилдан ошмаслиги керак.

Агентлик томонидан омонатчига тўланиши зарур бўлганидан ортиқ миқдорда компенсация тўланган тақдирда, омонатчи ортиқча тўланган суммани Агентликнинг талаби бўйича талаб билдирилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида қайтариши шарт. Бунда ортиқча тўланган сумма қайтарилмаган тақдирда, Агентлик мазкур суммани ундириш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

Компенсацияни тўлаш енгиб бўлмас куч (форс-мажор) туфайли кечиктирилганлиги учун Агентлик жавобгар бўлмайди.

Агентлик компенсацияларни тўлаш жараёни ҳақидаги, шу жумладан омонатчиларга тўланган суммалар тўғрисидаги ахборотни Марказий банк томонидан белгиланган даврий ораликда ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Компенсацияларни тўлаш тартиби ва шартлари, шу жумладан компенсацияларни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар Марказий банк томонидан белгиланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Агентликка ва агент-банкка маълумотларни тақдим этиш тижорат ёки банк сирининг ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг ошкор қилиниши деб ҳисобланмайди.

30-модда. Компенсация тўлашни тўхтатиб туриш ёки рад этиш

Агентлик томонидан компенсация тўлашни тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

компенсация олиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончилигига ва (ёки) ҳақиқийлигига Агентликда ёки агент-банкда шубҳа пайдо бўлганлиги;

омонатчининг талаблари ва тугатувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ўртасида номувофиклик мавжудлиги;

кафолатлаш объектига нисбатан чеклов чоралари мавжудлиги, шу жумладан ҳисобварақдаги пул маблағлари хатланганлиги ёки тўхтатиб қўйилганлиги, ҳисобварақ бўйича операциялар тўхтатиб турилганлиги;

кафолатлаш объекти суд низоси предмети бўлган ҳоллар тўғрисида Агентлик компенсациялар тўлангунига қадар хабардор этилганлиги.

Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда компенсациялар тўлашни тўхтатиб туриш муддати шубҳа пайдо бўлган ёки номувофикликлар аниқланган кундан эътиборан тўксон кундан кўп бўлиши мумкин эмас, ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда эса тўхтатиб туриш тегишли қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органнинг қарори қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Агентлик омонатчини ва тугатувчини компенсация тўлашни тўхтатиб туриш сабаблари тўғрисида тўловни тўхтатиб туриш учун асос бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор этади.

Омонатчи ва тугатувчи компенсациялар тўлашни тўхтатиб туриш учун асос бўлган сабабларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши, шу жумладан компенсациялар тўланиши учун тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳақиқийлигини ва (ёки) ишончилиги фактини аниқлаш учун судга муружаат этиши шарт.

Компенсация тўлашни рад этиш ёки тўланган компенсацияни қайтаришни талаб қилиш учун қўйидагилар асос бўлади:

компенсация тўланиши учун сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги факти аниқланганлиги;

омонатга қўйилган пул маблағларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятдан олинганлигини тасдиқловчи қонуний кучга кирган суд қарорининг мавжудлиги.

31-модда. Талаб қилиш ҳуқуқининг Агентликка ўтиши

Кафолатлаш ҳодисаси юзага келган санада Агентлик компенсацияларни ҳақиқатда тўлаганлигидан қатъи назар, кафолатлаш объектларининг эгалари бўлган омонатчиларнинг тугатилаётган банкка бўлган талаблари кафолатланган омонатлар суммасига тенг миқдорда Агентликка ўтади. Агентликнинг тугатилаётган банкка бўлган талаблари қонунчиликда белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантирилади.

Омонатчилар талабларининг Агентликка ўтиши омонатчиларнинг тугатилаётган банкка бўлган кафолатлаш объектининг кафолатланган омонат миқдоридан ошадиган қисмидаги ҳуқуқларини бекор қилмайди.

Омонатчилар кафолатлаш объектининг кафолатланган омонат миқдори-

дан ошадиган қисмини бевосита тугатилаётган банкдан талаб қилишга ҳақли ва Агентлик ушбу суммаларнинг тўланишига жавобгар бўлмайди.

Агар тугатувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) Агентликнинг компенсациялар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилаётган бўлса, Агентлик тугатувчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишга ҳақли.

32-модда. Тўланмаган компенсациялар суммалари

Тўланмаган кафолатланган омонатлар тегишли омонатчиларнинг эгалигида қолади ва исталган вақтда Агентликдан талаб қилиб олиниши мумкин.

Агент-банк томонидан тўланмаган, шу жумладан ушбу Қонуннинг 29-моддаси ўнинчи қисмида белгиланган муддатда талаб қилиб олинмаган компенсациялар суммалари агент-банк билан тузилган шартномага мувофиқ Агентликка ўтказиб берилиши керак.

33-модда. Омонатчининг ҳуқуқлари

Кафолатлаш ҳодисаси юзага келган тақдирда омонатчилар:

Агентликдан компенсация тўлаш тартиби тўғрисида ахборот сўраб олишга;

ушбу Қонунга мувофиқ компенсация тўланишини талаб қилишга;

компенсациялар тўланиши учун Агентликка тақдим этилган реестрда ўзлари тўғрисидаги маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда ёки ўз талабларини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни олиш учун тугатувчига мурожаат этишга;

агент-банк томонидан компенсацияларни тўлаш асоссиз кечиктирилганлиги фактлари тўғрисида Агентликка хабар беришга;

кафолатлаш объектининг кафолатланган омонат миқдоридан ошадиган қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда банкдан талаб қилишга;

омонатчиларнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқлари бузилиши, шу жумладан банк сирига оид маълумотларнинг ошкор этилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини айбдор шахслардан талаб қилишга;

Агентликнинг ва (ёки) тугатувчининг ҳаракатлари устидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Кафолатлаш ҳодисаси юзага келган тақдирда омонатчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

34-модда. Банкка алоқадор шахслар

Ушбу Қонун мақсадларида қуйидагилар банкка алоқадор шахслар ҳисобланади:

банк кузатув кенгашининг аъзолари;

банк бошқарувининг аъзолари, шунингдек банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари;

банкнинг ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлари;

банкнинг охирги бенефициар мулкдорлари;

ушбу қисмнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган шахслар охирги бенефициар мулкдор ҳамда ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошларидир.

5-боб. Банклардаги омонатларни кафолатлаш соҳасидаги ҳамкорлик ва жамоатчиликни хабардор этиш

35-модда. Агентликнинг Марказий банк билан ҳамкорлиги

Кафолатлаш тизимининг ишлаши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари юзасидан Агентлик ва Марказий банк:

банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши қисмида биргаликдаги инспекцияни (текширувларни) амалга ошириш;

банкни санация қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;

кафолатлаш тизими тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;

махсус бадал миқдорининг, Жамғарма маблағлари мақсадли миқдорининг, кафолатланган омонат миқдорининг етарлилигини баҳолаш ва банкнинг депозит базасини аниқлаш услубиятини, шунингдек агент-банкни танлаш мезонларини келишиш доирасида ҳамкорлик қилади.

Марказий банк тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай Агентликка:

банкка лицензия бериш ёки уни чақириб олиш;

банкни қайта ташкил этиш учун рухсат бериш;

вақтинчалик бошқарувчини (вақтинчалик бошқарувчиларни) тайинлаш;

банкни санация қилиш тўғрисидаги қарорлардан кўчирмалар беради.

Агентлик ушбу Қонунда назарда тутилган бадалларни тўламаган банклар тўғрисидаги маълумотларни икки иш кунидан кечиктирмай Марказий банкка тақдим этади.

Агентлик ва Марказий банк ушбу Қонунда назарда тутилган ҳамкорликни амалга оширишни, шунингдек ахборот алмашишни, шу жумладан эгасизлантирилган тарзда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, кафолатлаш ҳодисаси юзага келиши эҳтимоли тўғрисидаги маълумотларни алмашишни тартибга солувчи англашув меморандумини тузади.

36-модда. Агентликнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорлиги

Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамкорлик шартларини тартибга солувчи, шунингдек Агентликни шошилиш вазиятларда молиялаштириш тартиби тўғрисида битим тузади ҳамда кафолатлаш тизими лозим даражада ишлаши мақсадида мазкур битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.

37-модда. Агентликнинг бошқа ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлиги

Агентлик ушбу Қонунда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун бошқа ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Жиноий фаолият билан боғлиқ битимларни амалга ошириш учун кафолатлаш объектидан фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда, Агентлик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи қонунчиликда назарда тутилган тегишли чораларни кўриш учун бир-бирини хабардор қилади. Агентлик ва махсус ваколатли давлат органи зарур ҳолларда ўзаро англашув меморандумини тузади.

Агентлик чет давлатларнинг молия соҳасини тартибга солувчи (назорат қилувчи) органлари ва омонатларни (депозитларни) кафолатловчи (суғурталовчи) ташкилотлари билан ахборот алмашиши, башарти бундай ахборот алмашиш омонатчиларнинг қонун билан кўриқланадиган сирларини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлса, улар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиши мумкин.

Агентлик ҳамкорлик қилиш ва омонатларни (депозитларни) кафолатлаш (суғурталаш) тизимини ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши мумкин.

38-модда. Агентлик томонидан компенсацияларни тўлаш тизимини стресс-тестдан ўтказиш ва сценарий бўйича моделлаштириш тадбирлари

Агентлик заруратга қараб, лекин икки йилда камида бир марта:

ўз тизимларини стресс-тестдан ўтказиши;

Агентликнинг молиявий имкониятларини баҳолашдан ўтказиши, шунингдек Марказий банк ва кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банклар билан биргаликда кафолатлаш тизимининг амалий жиҳатдан шайлигини таъминлаш мақсадида компенсациялар тўлаш жараёнини сценарий бўйича моделлаштириш тадбирларини ўтказиши керак.

Банклар компенсация тўлаш жараёнини сценарий бўйича моделлаштириш тадбирларида иштирок этиши шарт.

Биринчи стресс-тестни ўтказиш ва сценарий бўйича моделлаштириш тадбирлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида амалга оширилиши керак.

39-модда. Жамоатчиликни хабардор қилиш

Агентлик оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ўз расмий веб-сайти орқали жамоатчиликни кафолатлаш тизими фаолияти тўғрисида, шу жумладан:

кафолатлаш тизимида иштирок этаётган банклар ҳақида;

кафолатлаш объектлари, кафолатланган омонатлар ҳамда кафолатланмайдиган маблағлар ҳақида;

компенсациялар тўлаш тартиби, шу жумладан қонунчиликка мувофиқ уларни тўлаш усуллари ва муддатлари ҳақида мунтазам равишда хабардор қилиб бориши шарт.

Банклар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ахборотни хизмат кўрсатиш жойларида ҳамда банклар томонидан ўз миқозларига юбориладиган хабарларда, мазкур талаб улар учун ортикча харажатларни келтириб чиқармаслиги шарти билан тарқатиш чораларини кўриши шарт.

Жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

6-боб. Агентликнинг бюджети, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботи

40-модда. Агентликнинг бюджети

Агентликнинг фаолиятини ва унинг ушбу Қонунда белгиланган вазифаларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Агентлик жорий молиявий йилнинг 30 ноябридан кечиктирмай кейинги молиявий йил учун операцион ва маъмурий харажатлар, шунингдек капитал қўйилмалар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи Агентлик бюджетини тасдиқлайди ҳамда эълон қилади.

Агентликнинг операцион харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

компенсацияларни тўлаш ва банкларнинг санация воситаларини қўллаш билан боғлиқ харажатларни;

қарз маблағлари бўйича ҳисобланган фоизларни;

активларни бошқариш ва компенсациялар тўлашни ташкил этиш учун Агентлик томонидан тўланадиган воситачилик ҳақини;

активларни қайта баҳолаш ва активларни баланс қийматидан паст нархда реализация қилишдан кўрилган зарарни;

аудиторлик ва консалтинг хизматлари учун тўловни;

кафолатлаш тизими ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш билан боғлиқ харажатларни.

Агентликнинг маъмурий харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Агентлик ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек Агентлик ходимларига тўланадиган бошқа тўловлар бўйича харажатларни;

хизмат алоқа воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни;

ахборот нашрларини ва касбий адабиётларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни;

паст баҳоли ва тез эскирувчи буюмларга оид харажатларни;

асосий воситалар (мулк) ва биноларнинг амортизацияси харажатларини, уларни таъмирлаш, сақлаш ва суғурталаш ёки уларнинг ижарасига доир харажатларни;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, ижара (лизинг) тўловлари, банк хизматлари учун тўловлар, коммунал хизматлар учун тўловлар билан боғлиқ харажатларни.

Агентликнинг йиллик маъмурий харажатлари миқдори кафолатлаш тизимида иштирок этаётган барча банклар депозит базасининг бюджетни тасдиқлашдан аввалги ҳисобот чорагининг охириги кундаги қолдигининг 0,03 фоизидан ошмаслиги керак.

Агентликнинг операцион харажатлари ошишига олиб келадиган кутилмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, Кенгаш тегишли молиявий йил учун тасдиқланган бюджетни қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

41-модда. Агентликнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи

Агентликда бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ юритилади ва у Агентликнинг ҳақиқий молиявий аҳволини акс эттирувчи ишончли ҳисоботлар шакллантирилишини таъминлаши керак. Агентлик қонунчиликда белгиланган тартибда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаши мумкин.

Агентликнинг йиллик ҳисоботи Кенгаш томонидан тасдиқланади ва йиллик молиявий ҳисоботни ҳамда Агентликнинг ҳисобот йилидаги фаолияти таҳлилини ўз ичига олади.

Агентликнинг йиллик молиявий ҳисоботи мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади ва молиявий йил тугаганидан кейин тўрт ой ичида Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Агентликнинг йиллик ҳисоботи Марказий банкнинг йиллик ҳисоботи таркибига киритилади.

42-модда. Ички аудит

Бош директорнинг қонунчиликка, таъсис ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларга, фаолиятни амалга ошириш бўйича белгиланган қоидаларга ҳамда тартиб-таомилларга риоя этишини, бухгалтерия ҳисобида ҳамда ҳисоботларда акс эттирилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини ҳамда активларнинг бут сақланишини текшириш ва мониторинг қилиш орқали унинг фаолиятини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида Агентликда ички аудит хизмати ташкил этилади.

Агентликнинг ички аудит хизмати Кенгашга ҳисобдордир. Ички аудитни ўтказиш тартиби Кенгаш томонидан белгиланади.

7-боб. Агентлик мансабдор шахсларининг жавобгарлиги ва мажбуриятлари

43-модда. Манфаатлар тўқнашуви

Кенгаши аъзолари, бош директор ва Агентликнинг ходимлари Агентлик манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ҳамда «Манфаатлар тўқнашуви

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиши шарт.

44-модда. Мансабдор шахсларни ва ходимларни ўз вазифаларини бажариши чоғида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Кенгаши аъзолари, бош директор, шунингдек Агентлик ходимлари, шу жумладан уларнинг ваколатлари тугатилганидан ёки Агентликда ишлашини яқунлаганидан кейин фақат ўз вазифаларини бажариши чоғида инсофсизлик билан содир этилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгар бўлади.

Агентлик ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини улар ушбу Қонунга мувофиқ ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан қўзғатилган суд иши ва маъмурий иш юритилиши доирасида, шу жумладан мазкур шахсларнинг ваколатлари тугатилган ёки Агентликда ишлаши яқунланган ҳолларда ифодалашга доир харажатларни тўлайди.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

45-модда. Низоларни ҳал этиш

Омонатчи компенсациялар тўланиши жараёнида судга Агентликнинг ва (ёки) тугатувчининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

Агентлик омонатчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомилни белгилловчи тартибга эга бўлиши шарт.

Агар омонатчи тугатувчи томонидан тақдим этилган омонатчилар ва кафолатлаш объектлари реестрига киритилмаган бўлса ёки у ўзига тўланган компенсация миқдоридан рози бўлмаса, у тугатувчига ўз талабларининг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этган ҳолда, мурожаат этишга ҳақли.

Тугатувчи омонатчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан уч иш кунидан уларни кўриб чиқиши шарт. Унинг талаблари асосли бўлган тақдирда, тугатувчи омонатчилар ва кафолатланган объектлар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиши, мазкур реестрни Агентликка тақдим этиши, шунингдек омонатчининг талабларини кўриб чиқиш натижалари ҳақида Агентликни, Марказий банкни ва омонатчини хабардор қилиши шарт. Омонатчининг талаблари асоссиз бўлган тақдирда, унинг талабларини қаноатлантириш рад этилади.

Омонатчининг талабларини қаноатлантириш рад этилган тақдирда, у Кенгашга ёки судга мурожаат қилишга ҳақли.

46-модда. Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қо-

нунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

47-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 217, 218-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061, 1062-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 2, 111, 114-моддалар, № 6, 530-модда, № 9, 960-модда) **163-моддасининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига, шунингдек Омонатларни кафолатлаш агентлигига кафолатланган омонатлар бўйича компенсациялар тўланишига доир талабларига».

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **25-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«банклар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кузатув кенгашлари таркибига кириш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

2) **61-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Омонатларни кафолатлаш жамғармасига банклар томонидан ҳар чоракда тўланадиган календарь бадалга қўшимча ажратмалар миқдорини белгилашга»;

3) қуйидаги мазмундаги **67²-модда** билан тўлдирилсин:

«67²-модда. Банклардаги омонатларни кафолатлаш тизимининг ишлашига доир Марказий банкнинг вазифалари ва ваколатлари

Марказий банк банклардаги омонатларни кафолатлаш тизими ишлаши юзасидан қуйидагиларни белгилайди:

банклар томонидан Омонатларни кафолатлаш жамғармасига бадаллар тўлаш тартибини;

Омонатларни кафолатлаш агентлиги томонидан кафолатланган омонатлар бўйича компенсациялар тўлаш тартиби ва шартларини, шу жумладан кафолатланган омонатлар бўйича компенсация олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўyxатини, шунингдек уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни;

омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва шартларини.

Омонатларни кафолатлаш жамғармаси маблағларининг тақчиллиги юзга келганда Марказий банк ликвидиликни таъминлаш учун Омонатларни кафолатлаш агентлигига уч ойгача бўлган муддатга кредит бериши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонуннинг (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111-моддалар, № 9, 965-модда) **55-моддаси** қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганлиги»;

ўнинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган **«Банк сири тўғрисида»**ги 530–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 524-модда; 2022 йил, № 4, 337-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) **14-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар Омонатларни кафолатлаш

агентлигига, шунингдек кафолатланган омонатлар бўйича компенсация тўлаш учун агент-банкларга тақдим этилади».

5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар, № 4, 346-модда, № 5, 458, 459-моддалар, № 8, 822, 831-моддалар, № 9, 958-модда) **75-моддасининг тўққизинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари, шунингдек Омонатларни кафолатлаш агентлиги ушбу Кодексда назарда тутилган солиқларни тўлашдан озод этилади, бундан ижтимоий солиқ ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига товарларни олиб киришда (импортида) тўланадиган қўшилган қиймат солиғи мустасно».

6. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги ЎРҚ–763-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 8, 823-модда) **181-моддасининг учинчи қисмидаги** «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» деган сўзлар «Омонатларни кафолатлаш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

48-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»**ги 360–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 70-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 361–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 71-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-мод-**

дасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–203-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 130-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–646-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 652-модда) **5-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **138-моддаси**.

49-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Марказий банк ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти, шу жумладан омонатларнинг кафолатланган омонат миқдоридан ошадиган қисмини бошқа банкларга жойлаштиришнинг афзалликлари аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

Марказий банк:

ушбу Қонун 29-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган реестр, маълумотлар ва ахборот шаклини белгиласин;

ушбу Қонун 29-моддасининг ўн тўртинчи қисмида назарда тутилган компенсацияларни тўлаш тартиби ва шартларини, шу жумладан компенсацияларни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини белгиласин;

ушбу Қонун 39-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва шартларини белгиласин.

50-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

51-модда. Ўтиш қоидалари

Агентлик Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг ҳуқуқий ворисидир. Агентликни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизматлари маркази томонидан амалга оширилади.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг иштирокчи-банклари, шунингдек омонатлари давлат томонидан кафолатланган банклар кафолатлаш тизимида иштирок этадиган банкларга айланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ календарь бадалларнинг ставкаларини белгилашда Кенгаш ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан беш йил ичида уларнинг ушбу Қонун 16-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган Жамғарма маблағларининг мақсадли миқдорига эришиш имконига таъсирини ҳисобга олиши керак.

Ушбу Қонунда белгиланган компенсация миқдори фуқароларнинг ушбу Қонун кучга кирган санадан олдин қўйилган омонатларига нисбатан татбиқ этилмайди, бундан қўйидагилар мустасно:

ушбу Қонун кучга кирганидан кейин суммалари компенсация миқдоридан ортиқ миқдорда оширилган ва қайтариш муддати узайтирилган омонатлар;

қайтарилиши биринчи талаб бўйича амалга ошириладиган омонатлар ва бошқа талаблар.

Ушбу Қонун кучга кирган санада лицензияси чақириб олинган банкларда кафолатлаш объектлари бўйича ҳақ тўлаш лицензия чақириб олинган пайтда амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

52-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ушбу Қонуннинг 20-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 18 февраль,
ЎРҚ–1031-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**65** **Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
22 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 24 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини оширишга, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга, шунингдек йўл ҳаракатининг ташкил этилишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу билан бирга айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда. Жумладан, транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш туфайли ҳайдовчи ўзининг ҳаракатини англай олмаслиги натижасида оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига беписандлик билан қараш, транспортни бошқариш маданиятига амал қилмаслик, йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизлик, транспорт воситасини кескин бошқариш ҳамда бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган «агрессив бошқариш» ҳолатлари кўпаймоқда.

Мазкур Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган, шу жумладан, қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс томонидан транспорт воситаларини такроран бошқарганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо қўллаш, шунингдек сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ишлайдиган транспорт воситалари иштирокидаги ҳодисалар бўйича алоҳида моддаларда маъмурий ва жиноий

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 февралда эълон қилинган.

жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қодалари-га қатъий риоя этишини таъминлашга ҳамда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **227¹-модда** билан тўлдирилсин:

«227¹-модда. Автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини ёки идентификация рақамларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки улардан фойдаланиш, шунингдек уларни қалбакилаштириш

Автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини ёки идентификация (кузов, шасси (рама), двигатель) рақамларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки улардан фойдаланиш, шунингдек уларни қалбакилаштириш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) куйидаги мазмундаги **228²-модда** билан тўлдирилсин:

«228²-модда. Автомототранспорт воситалари, шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини ва тракторчи-машинистларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш, шунингдек имтиҳонлар ўтказиш ва гувоҳномалар бериш тартибини бузиш

Масъул шахс томонидан тегишли тоифадаги автоматотранспорт воситалари ва шахар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини ёхуд тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқишни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳномани беришда таълим олувчининг ўқув дастурини ўзлаштирганлиги ёки якуний имтиҳонлардан муваффақиятли ўтганлиги тўғрисидаги сохта маълумотларни ўқув журналларига, йўл варақаларига ёки имтиҳон комиссияси баённомасига киритиш ёхуд ушбу сохта маълумотларга асосланиб гувоҳнома бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Масъул шахс томонидан автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга асос бўладиган мах-

сус сертификатни ёки тракторчи-машинист гувоҳномасини беришда номзоднинг назарий ва амалий имтиҳонлар натижалари тўғрисидаги сохта маълумотларни таълим олувчининг имтиҳон варақасига ёки имтиҳон натижалари баённомасига киритиш ёхуд ушбу сохта маълумотларга асосланиб махсус сертификат бериш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **261-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«261-модда. Мастлик ҳолатидаги шахсни транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш ёки бошқаришни унга топшириш

Транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс, унинг эгаси ёки фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан била туриб мастлик ҳолатидаги ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган шахснинг темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво, автомобиль транспортини ёки бошқа транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиши ёки бошқаришни унга топшириши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

икки йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

4) қўйидаги мазмундаги **261¹** ва **261²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«261¹-модда. Транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш ёки текширувдан ўтишдан бўйин товлаш

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини мастлик ҳолатида ёки гиёҳ-

вандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши, шундай қилмиш ёхуд мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, шундай қилмиш ёхуд транспорт воситаларини мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарганлиги учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

261²-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахснинг транспорт воситасини бошқариши

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахснинг транспорт воситасини бошқариши, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

5) қуйидаги мазмундаги **262¹-модда** билан тўлдирилсин:

«262¹-модда. Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини бузиш

Транспорт воситаларига газ баллони ускуналарини ўрнатишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши учун масъул шахс томонидан сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлик қоидаларини бузиш ёхуд газ баллони ускунаси ўрнатилган транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш талабларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдори-

нинг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) одам ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) **266-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

7) **269-модда номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«269-модда. Автомобиль йўлларида ва кўчалардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва сақлаш қоидаларини бузиш

Автомобиль йўлларида, шу йўлларга ажратилган минтақалар ва кўчалардан фойдаланиш, уларни сақлаш ҳамда қўриқлаш қоидаларини бузиш, яъни автомобиль йўлларида ва шу йўллар учун ажратилган минтақада тегишли рухсатсиз ер ости ва ер усти коммуникацияларини ўтказиш, уларни таъмирлаш, бу ишларни бажаришнинг белгиланган шартлари ва муддатларига риоя этмаслик, ўзбошимчалик билан арқлар, тўсиқлар, шлагбаумлар ёки бошқа иншоотлар ўрнатиш, йўлларга материал ва бошқа нарсаларни уюб қўйиш, йўл устини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-мод-

далар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда, № 9, 964-модда, № 10, 1070, 1073, 1077, 1083-моддалар, № 12, 1280, 1286, 1292-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 345-модданинг бешинчи қисми:

«228-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлардан кейин «228²-моддаси учинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«262-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлардан кейин «262¹-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 381²-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги:

«227-моддасида, 228-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 228¹» деган сўзлар «227, 227¹-моддаларида, 228-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 228¹-моддасида, 228²-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«261-моддасида, 262-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «261, 261¹, 261²-моддаларида, 262-моддаси биринчи қисмида, 262¹-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда,

№ 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1078, 1083, 1084-моддалар, № 11, 1188, 1189, 1279, 1280, 1282, 1286, 1287-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17¹-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори ёки мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади.

Юридик шахсга қонунчиликка мувофиқ тегишли транспорт воситасидан

фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси ёки мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади»;

2) **28-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак, бундан ушбу Кодекснинг 34¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

иккинчи қисмидаги «128³-моддасининг бешинчи қисмида, 128⁴-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **32-модданинг 6-бандидаги** «маст ҳолда» деган сўзлар «мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **34¹-модда** билан тўлдирилсин:

«34¹-модда. Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо қўлланилиши

Ушбу Кодекснинг 125-моддаси учинчи ва бешинчи қисмларида, 126-моддасида, 127-моддаси биринчи қисмида, 128³-моддаларида, 128⁴-моддаси иккинчи қисмида, 128⁵, 128⁶, 128⁸, 128⁹, 129, 130-моддаларида, 137-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан мазкур моддаларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга жарима баллари ҳисобланади. Бунда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун ҳисобланадиган жарима балининг энг юқори миқдори икки баллдан ошмаслиги керак.

Жарима баллари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан бири биринчи марта содир этилган кундан эътиборан бир йил давомида ҳисоблаб борилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳисобланган жарима баллари бир йил ўтгач транспорт воситасининг ҳайдовчисидан автоматлаштирилган тарзда ечилади.

Ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда, охири содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодекснинг 24 ва 28-моддаларига мувофиқ қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак.

Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилади.

Транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима балларини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **112-модданинг санкциясидаги** «бир йилгача» деган сўзлар «бир йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **123-модданинг:**

диспозициясидаги «ва шаҳар йўловчилар транспортидан» деган сўзлар «шаҳар йўловчилар транспортидан ва сув транспортидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкциясидаги «иккидан бир қисми» деган сўзлар «бир баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **125-модда олтинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат рақам белгиси айна шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқариш»;

8) **125¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юк ташиш қоидаларини, худди шунингдек шатакка олиш қоидаларини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари, шунингдек умумий ҳақиқий вазни, ўққа тушувчи оғирлиги белгиланган нормадан ўн фоизгача ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари, шунингдек умумий ҳақиқий вазни, ўққа тушувчи оғирлиги белгиланган нормадан ўн фоиздан йигирма фоизгача ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсатномасиз оғир вазни, йирик габаритли, хавfli юкларни ташиш, юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари, шунингдек умумий ҳақиқий вазни, ўққа тушувчи оғирлиги белгиланган нормадан йигирма фоиздан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда автотранспорт воситаларининг габарит ва вазн параметрларини аниқлашда ўлчаш асбобидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган жами хатолар ҳисобга олиниб, ўлчаш асбобида қайд этилган габарит ва вазн параметрларидан икки фоизли фарқ чегириб ташланган ҳолда, маъмурий жазо чораси қўлланилади»;

9) қуйидаги мазмундаги **125³-модда** билан тўлдирилсин:

«125³-модда. Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини бузиш

Сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ёки дизель ва газсимон ёқилғи аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **127-модда биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

11) **128-модда:**

биринчи қисмининг:

диспозициясидаги «одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

санкциясидаги «иккидан бир қисми» деган сўзлар «бир баравари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

12) **128³-модданинг иккинчи — олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги иккинчи — бешинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ, лекин 60 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўққиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 60 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи — тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар ва транспорт воситалари спидометри кўрсаткичларидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган жами хатолар ҳисобга олиниб, уларда қайд этилган тезликдан соатига 5 километр чегириб ташланган ҳолда, маъмурий жазо чораси қўлланилади»;

13) **128⁴-модда:**

иккинчи қисмининг санкциясидаги «икки» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

14) **128⁵-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

15) қуйидаги мазмундаги **128⁸, 128⁹ ва 128¹⁰-моддалар** билан тўлдирилсин:

«128⁸-модда. Транспорт воситасида одам ташиш қоидаларини бузиш

Одам ташиш қоидаларини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Автобус ва микроавтобусларда ички ишлар органларининг ҳамроҳлигисиз одам ташиш, агар уларнинг ҳамроҳлигида одам ташиш шарт бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

128⁹-модда. Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиш

Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

128¹⁰-модда. Йўл безорилиги

Йўл безорилиги, яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига қасддан тўсқинлик қилиши, ҳаракатланиш бурчагини ва (ёки) тезлигини сақлаган ҳолда транспорт воситасини сабабсиз сирпантириши (дрифт), ўз йўналишида ҳаракатланиш бўлагини сабабсиз кескин равишда уч ва ундан ортиқ марта узлуксиз ўзгартириши (бундан махсус ажратилган жойларда содир этиш мустасно) ёки йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланишига таҳдид солувчи ёхуд транспорт воситасида йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизликда ифодаланган бошқа хатти-ҳаракатларни намойишкорона содир этиши, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

16) **129-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига

тахдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

17) **130-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «уч» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

18) **131-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«131-модда. Транспорт воситаларини мастлик ҳолатида бошқариш

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқариши, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

19) **135-модда:**

биринчи ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эғалик қилиш, эғаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун тегишли рухсатномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет элдан олиб кирилган транспорт воситаси учун божхона органлари томонидан берилган ҳужжатлари, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси, юридик шахсларнинг транспорт воситалари ҳайдовчилар учун, шу жумладан йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчилар учун малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати (бундан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани алмаштириш ёки йўқолган гувоҳнома ўрнига бошқасини бериш ҳолларини истисно қилган ҳолда, гувоҳнома олинган пайтдан эътиборан икки йиллик давр мустасно) ёнида бўлмаган ҳолда, худди шунингдек транспорт воситаларини олиб кирганлигини тасдиқловчи божхона органлари томонидан берилган тегишли белгилар қўйилган ҳужжатларининг муддати ўтган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд айнан шу транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмининг санкциясидаги «ўн» деган сўз «эллик» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми «транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини» деган сўзлардан кейин «ойналар тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун тегишли рухсатномасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **135¹-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

21) **136-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида эканлигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

22) **137-модда иккинчи қисмининг санкциясидаги «бир» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;**

23) **139 ва 140-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«139-модда. Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс томонидан носозлиги бўлган ёки муайян шартлар туфайли транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланган ёки тегишли

рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

140-модда. Мастлик ҳолатидаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйиш ёки бошқаришни унга топшириш

Транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бўлган ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситасининг эгаси ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан била туриб мастлик ҳолатидаги ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остидаги шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади»;

24) 147-модда:

биринчи қисмининг:

диспозициясидаги «шунингдек, йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш» деган сўзлар «шу жумладан йўлларда қурилиш-қазиларни олиб борган шахслар томонидан белгиланган муддатларда йўл инфратузилмасини олдинги ҳолатига келтирмаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темир йўлдан кесиб ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки таъмирлаш ишлари олиб бориладиган йўл қисмига вақтинча йўл белгилари, сигналлар ва светофорлар, тўсувчи ва йўналтирувчи мос-

ламалар ўрнатмаслик, шунингдек қатнов қисмига вақтинча ётиқ чизиқлар чизмаслик ёхуд йўлнинг айрим қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўрмаслик, —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

25) **194-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ички ишлар органи ходимининг ёки ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш ҳақида берилган қонуний талабларини кетма-кет бир неча марта узрли сабабларсиз бажармаслик, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

26) қуйидаги мазмундаги **195²-модда** билан тўлдирилсин:

«195²-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фото- ва (ёки) видеотасвирини уларнинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган тарзда бузиб тарқатиш

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хизмат вазифаларини бажараётган пайтда олинган фото- ва (ёки) видеотасвирини уларнинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган тарзда бузиб тарқатиш, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

27) **245-модданинг биринчи қисмидаги:**

«119-моддасида, 125¹-моддасининг иккинчи қисмида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128-моддасининг тўртинчи қисмида, 128³-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг тўртинчи қисмида, 128⁵-моддасининг учинчи қисмида, 129-моддасининг иккинчи қисмида, 130-моддасининг иккинчи қисмида, 131, 132, 133, 134-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида» деган сўзлар «119, 125³-моддаларида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128¹⁰, 131, 132, 133, 134-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида, 140-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик» деган сўзлар «автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шу жумладан йўлларда қурилиш-қазииш ишларини олиб борган шахслар томонидан белгиланган муддатларда йўл инфратузилмасини олдинги ҳолатига келтирмаслик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«184²» рақами «184¹, 184²» рақамлари билан алмаштирилсин;

«195¹» рақами «195¹, 195²» рақамлари билан алмаштирилсин;

28) **248-модда:**

Биринчи қисмидаги «121, 122, 123, 125-моддаларида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128¹, 128²-моддаларида, 128³-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁴-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 128⁵-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 128⁶-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141-моддаларида» деган сўзлар «121, 122, 123, 125, 125¹, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 128⁸, 128⁹, 129, 130, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139-моддаларида, 140-моддасининг биринчи қисмида, 141-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Иккинчи қисмининг 5, 6 ва 7-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ушбу Кодекснинг 54, 123, 125, 125¹, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 128⁸, 128⁹, 129, 130, 135, 135¹-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139-моддаларида, 140-моддасининг биринчи қисмида, 141, 147-моддаларида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазिश, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шу жумладан йўлларда қурилиш-қазिश ишларини олиб борган шахслар томонидан белгиланган муддатларда йўл инфратузилмасини олдинги ҳолатига келтирмаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузишга тааллуқли қоидабузарликлардан ташқари) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (бошқармасининг) бошлиғи, унинг ўринбосарлари, йўл-патруль хизматини ҳамда маъмурий амалиётни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлимининг бошлиғи, муҳим топшириқлар бўйича бош инспектор, инспектор (маъмурий амалиёт бўйича), маъмурий амалиёт бўлинмасининг (бўлимининг) бошлиғи, маъмурий ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш бўйича бош инспектор, катта инспектор (инспектор), йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимининг (бўлинмасининг) бошлиғи, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг катта инспектори ва йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлимининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 54, 123, 125, 125¹, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 128⁶, 128⁸, 128⁹, 129, 130-моддаларида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135¹-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, сафарбар гуруҳи) командири ёки командирининг ўринбосари;

7) ушбу Кодекснинг 54, 123-моддаларида, 125-моддасининг биринчи, ик-

кинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасида, 128²-моддасининг биринчи қисмида, 128³, 128⁴, 128⁸, 128⁹-моддаларида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 135¹-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизматининг катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар»;

29) 256-модда:

биринчи қисмидаги «125-моддасида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида» деган сўзлар «125, 125¹, 126-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «125-моддасида, 125¹-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида» деган сўзлар «125, 125¹, 126-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 276-модданинг иккинчи қисми «ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома» деган сўзлардан кейин «ҳайдовчиларнинг шаҳарлараро ва халқаро юк ҳамда йўловчи ташишни амалга оширадиган транспорт воситаларидаги назорат асбоблари (тахографлар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

31) 282-модда:

биринчи қисмидаги «бир» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Иш бўйича экспертиза тайинланган, етказилган зарарни баҳолаш чоралари кўрилган, ҳайдовчилик гувоҳномасини олганлик тўғрисида сўровлар жўнатилган ҳолларда баённома ушбу ҳужжатлар келиб тушган пайдан эътиборан уч кун ичида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборилади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

32) 291-модда:

биринчи қисмининг «а» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ушбу Кодекс 54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида), 90¹-моддасида, 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125¹-моддасининг иккинчи — тўртинчи қисмларида (бундан 125¹-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар автоматлаштирилган ўлчов воситалари орқали аниқланган ҳоллар мустасно), 126-моддасида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128⁶-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланишига халақит берса), 128¹⁰, 131, 133-моддаларида, 134-моддасида (бундан йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида хабарнома тузилган ҳол

лар мустасно), 135-моддасида (бундан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати ёнида мавжуд бўлмаганлиги ҳоллари мустасно), 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176³-моддаларида, 194-моддасида (ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда, шунингдек қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олти кун ичида жарима тўланмаган тақдирда, жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган томонидан электрон тизимларда автоматик тарзда жойлаштирилган маълумотга кўра транспорт воситаси жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тугагунига қадар ушлаб турилади, бундан жарима учун тўлов электрон тўлов тизимлари, мобил иловалар ёки банк кассалари орқали амалга ошириладиган ҳоллар мустасно».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 3-моддасининг 4-бандида назарда тутилган транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима балларини ҳисоблаш тартибини бир ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 февраль,
ЎРҚ–1033-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

66 Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда замонавий уй-жойлар қуриш кўламини ҳамда ипотека маҳсулотлари турларини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу соҳадаги ислохотлар аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашга, урбанизация жараёнларининг ривожланишига ва пировардида иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади.

Жумладан, сўнгги 5 йилда умумий майдони 21,7 миллион м² бўлган кўп квартирали уй-жойлар барпо этилиб, аҳолининг уй-жой сотиб олишига кўмаклашиш учун 67 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратилди ҳамда ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан 44 триллион сўм йўналтирилди.

Даромади юқори бўлмаган 64 мингдан ортиқ фуқарога 3,5 триллион сўмдан ортиқ субсидия маблағлари тўлаб берилди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда аҳоли сони йилига қарийб 800 минг нафарга, янги оилалар сони эса 300 мингтага ортаётгани уй-жойга бўлган талабни қондириш бўйича ишларни жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

Шунингдек, республикадаги кўп квартирали уй-жой фондининг қарийб 40 фоизини ташкил этаётган 2-3 қаватли уйлар ўрнига, юқорига (вертикал) ўстириш тамойили асосида ижтимоий соҳа объектлари ва яшил майдонларга эга замонавий уй-жойлар қуриш учун етарлича имкониятлар мавжуд.

Шунга кўра, ҳудудларда уй-жойларни урбанизация ва реновация тамойилларига мувофиқ қуриш кўламини кенгайтириш, «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этишни жадаллаштириш, ипотекани молиявий ресурслар билан таъминлашда капитал бозорининг ролини ошириш ҳамда тижорат банклари томонидан ажратиладиган ипотека кредитларини қайта молиялаштиришни давом эттириш мақсадида:

1. 2025 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурининг (кейинги ўринларда — Дастур) асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ҳудудларда жами 8,1 миллион м²дан иборат 135 минг квартирали уй-жойларни қуриш;

ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сонини 1,5 бараварга ошириш ва мазкур мақсадларга Давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм йўналтириш;

уй-жой ва ипотека бозорини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун 20,9 триллион сўм миқдоридagi ипотека кредитларини ажратиш;

«Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларда кўп квартирали уй-жойларни барпо қилишда иштирок этадиган қурилиш ташкилотларини айланма маблағлар билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан 700 миллиард сўм ҳамда тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан 3,0 триллион сўм миқдоридаги маблағларни йўналтириш.

2. 2025 йилда «Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларда кўп квартирали уй-жойлар қуришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, 2025 йил 1 мартдан бошлаб «Янги Ўзбекистон» массивлари учун янги ҳудудлар урбанизация тамойилларига мувофиқ қуйидаги мезонларни инобатга олган ҳолда танланади:

массивнинг туман (шаҳар) марказида ёки унга яқин (2 километргача) ҳудудда жойлашганлиги ҳамда ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг уй-жойга талаби мавжудлиги;

массивнинг муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмалари билан таъминланганлиги ёки мавжуд инфратузилмаларга яқинлиги;

массив ташкил этилмоқчи бўлган ҳудудда камида 70 минг киши истиқомат қилиши;

массивдаги жами квартираларнинг умумий майдони камида 100 минг м² бўлиши ҳамда 7 қаватдан кам бўлмаган уйлар қурилиши режалаштирилганлиги;

кўп квартирали уй-жойларни қуриш харажатларининг камида 2 фоизи уй-жойлар атрофида яшил ҳудудлар яратишга йўналтирилганлиги.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари «Янги Ўзбекистон» массивларини ташкил этиш мақсадида танланган ҳудудлар ушбу бандда назарда тутилган мезонларга мувофиқлиги учун шахсан масъул этиб белгилансин.

3. 2025 йил 1 майдан бошлаб «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш доирасида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) ер участкаларини кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ижарага бериш бўйича аукцион савдоларида қатнашиш, кўп квартирали уй-жойларни қуриш ва уларни реализация қилишга фақат қўшилган қиймат солиғини тўловчи юридик шахсларга рухсат этилади;

б) ер участкаларини кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ижарага бериш бўйича аукцион савдолари офертасида лойиҳа олди ҳужжатлари тайёрлашга 15 кунлик, лойиҳа ишларини бажаришга 2 ойлик ва қурилиш ишларини бошлашга 3 ойлик муддат белгиланади, шунингдек, унда қурилишни якунлаш ва объектни фойдаланишга қабул қилиш муддатлари кўрсатилади. Бунда:

ер участкалари кўп квартирали уй-жойларни қуриб битказиш ва фойдаланишга қабул қилиш муддатига реализация қилинади;

оферта талабларини бажармаган аукцион савдоси ғолибидан ер участкаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги ПФ–135-сон Фармонида 4-иловада белгиланган тартибда қайтариб олинади ва такроран аукцион савдоларига қўйилади;

* 1-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) аукцион савдоларида ер участкасини кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ижарага олган пайтдан бошлаб 12 ой давомида ушбу ер участкаси бўйича ер солигини тўлашдан озод қилинади.

Бунда кўп квартирали уй-жой белгиланган муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилмаса, имтиёздан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 барабар миқдорда ундирилади;

г) «Янги Ўзбекистон» массивларида тижорат биноларини қуришга мўлжалланган ер участкалари умумий майдонининг камида 10 фоиз қисми уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкалари билан бирга ягона лот сифатида аукцион савдоларига чиқарилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Янги Ўзбекистон» массивларининг йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуришда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратсин:

янги қуриладиган инфратузилма иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва энергия тежовчи ускуналаридан кенг фойдаланиш;

кўп квартирали уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг электр энергия таъминотига хусусий операторларни жалб қилиш;

янги барпо этиладиган массивларнинг иссиқлик таъминотини қуришда муқобил иссиқлик тизимларидан (иссиқлик насослари, қуёш сув иситиш қурилмалари ва бошқалар) кенг фойдаланиш;

оқова сув тозалаш тизимларида технологик қайта тозаланган сувларни массивлар ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ирригация ва бошқа мақсадларга йўналтиришни йўлга қўйиш.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг 2025 йил 1 мартдан бошлаб:

тижорат банклари томонидан «Янги Ўзбекистон» массивларида кўп квартирали уй-жойлар қурилишини амалга оширувчи қурилиш ташкилотларига айланма маблағларини тўлдириш учун 12 ойлик имтиёзли давр билан 24 ой муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасидан кўпи билан 2 фоиз бандга юқори ставкада кредитлар ажратиш;

ушбу кредитларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 12 ойлик имтиёзли давр билан 24 ой муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан босқичма-босқич қайта молиялаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Қўйидагиларнинг:

«Ўзмиллийбанк» АЖ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Асакабанк» АЖ, АТ «Алоқабанк» ва «Туронбанк» АТБнинг 2025 йил 1 декабрга қадар мустақил равишда хориждан жалб қилинган 310 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ҳисобидан қурилиш ташкилотларини айланма маблағлар билан таъминлаш учун 2 йилгача муддатга кредитлар ажратиш;

«Агробанк» АТБ, «Микрокредитбанк» АТБ, «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ, АТ «Халқ банки»нинг 2025 йил 1 майга қадар хориждан 200 мил-

лион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилиш ва йил якунига қадар ушбу ресурслар ҳисобидан қурилиш ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдириш учун кредитлар ажратиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

7. Белгилансинки, кўп квартирали уй-жойларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида 2025 йил 1 майдан бошлаб:

а) қурилишни бошлашдан фойдаланишга рухсатнома беришга қадар бўлган жараёнлар тўлиқ онлайн режимида «Шаффоф қурилиш» тизимида амалга оширилади;

б) қурилиши тугалланган кўп квартирали уй-жойдан фойдаланишга рухсатнома беришда фақат Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция), ҳамда давлат ёнғин назорати органларидан хулоса олинади. Бунда:

буюртмачи томонидан ишлаб чиқилган дастлабки лойиҳа ҳужжатлари шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказишдан олдин санитария-эпидемиология хизмати, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши органлари ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари вакиллари билан келишилади;

қурилиш-монтаж ишларининг келишилган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши Инспекция томонидан белгиланган тартибда назорат қилинади;

Инспекция зарур ҳолларда бошқа идораларнинг мутахассисларини жалб қилиши мумкин;

в) Инспекцияда рўйхатдан ўтган ва у томонидан назорат қилинадиган кўп квартирали уй-жойларни фойдаланишга рухсатнома беришдан олдин инструментал-техник текширувдан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Бунда қурилиш даврида кўп квартирали уй-жойни синовдан ўтказган лаборатория томонидан зилзилабардошликка доир инструментал-техник текширув хулосаси тақдим этилади.

8. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

2025 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, тажриба тариқасида, кўп квартирали уй-жойларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш ҳамда архитектура режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш жараёнларини бирлаштирсин ҳамда бунинг ҳисобига ушбу ишлар учун талаб этиладиган вақтни 2 бараварга қисқартирсин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда тўрт ой муддатда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун ер участкасини реализация қилишдан бошлаб улардан фойдаланишга рухсатнома беришгача бўлган барча босқичларни қамраб олувчи рақамли платформани тест режимида ишга туширсин.

9. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги «яшил» стандартлар (мезонлар) асосида қурилиш лойиҳалари ва қурилган уй-жойларни баҳолаш ҳамда сертификациялаш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

2025 йил 1 майга қадар «яшил» стандартлар асосида қурилиш лойиҳала-

ри ва қурилган уй-жойларни баҳолаш ҳамда сертификатлаш тизимини жорий этсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда «яшил» стандартлар асосида кўп квартирали уй-жойларни қурган ва уйларнинг ушбу стандартга мослигини тасдиқловчи ваколатли органнинг хулосасига эга бўлган қурилиш ташкилотларга солиқ имтиёзларини бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

10. Марказий банк 2025 йил 1 майдан бошлаб тижорат банклари томонидан қурилиш ташкилотларининг «яшил» стандартлар асосида кўп квартирали уй-жойларни барпо этиш бўйича лойиҳаларини молиялаштириш учун Марказий банк асосий ставкасидан 2 фоиз банд юқори фоиз ставкада кредитлар ажратиш амалиётини йўлга қўйсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур кредитларни қайта молиялаштириш мақсадида Дастур доирасида уй-жойлар қурилиши учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан тижорат банкларига уларнинг талабномаларига кўра Марказий банк асосий ставкасида зарур ресурслар ажратиб борсин.

11. 2025 йил 1 мартдан бошлаб реновация асосида кўп квартирали уй-жойларни барпо этишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) реновация лойиҳасини бошлашга барча мулкдорлар билан нотариал тасдиқланган келишув битими имзоланганидан сўнг рухсат берилади;

б) мулкдорларга, уларнинг хоҳишига кўра, қуйидаги компенсация турларидан бири тақдим этилади:

бузилаётган тураржой объектлари ўрнига уларнинг майдонидан кам бўлмаган реновация дастурига мувофиқ янги қуриладиган тураржойлардан яшаш учун тайёр ҳолдаги квартираларни мулк ҳуқуқи асосида бериш ҳамда қурилиш даврида кўчиш, шу жумладан, бошқа тураржой объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплаш;

бузилаётган турар ва нотурар жой объектининг бозор қийматини тўлиқ қоплаб бериш;

реновация лойиҳаси ташаббускори билан келишилган ҳолда бошқа турдаги компенсацияни тақдим этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар реновация дастурлари асосида 20 минг ҳамда 2026 йил якунига қадар — 30 минг квартирали уй-жойлар барпо этилишини таъминласин.

12. Қуйидагилар:

2025 йилда ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун ресурс ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ;

2025 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар тўлашнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

2025 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Белгилансинки, Дастур доирасида:

2025 йилда банклар томонидан ажратилган ипотека кредитлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 апрелдаги ПФ–70-сон Фармонида белгиланган миқдорларда ва шартларда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта молиялаштирилади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Марказий банк билан биргаликда ипотека кредитлари бўйича қўшимча маҳсулотлар жорий қилиш ва ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда молиялаштиришга рухсат берилади;

ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратиш юзасидан аризалар тасдиқланган параметрлар доирасида 2025 йил 3 мартдан 1 ноябрга қадар қабул қилинади;

2026 йил 1 январдан бошлаб «эскроу» тизими доирасида камида 50 фоизга қурилган кўп квартиралли уй-жойлардан квартиралар сотиб олиш учун кредитлар ажратишга ҳамда ушбу кредитлар бўйича Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашга рухсат этилади. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига улшдор жисмоний шахсларга ажратилган кредитларни қайта молиялаштириш ҳуқуқи берилади.

Вазирлар Маҳкамаси расмий даромадга эга бўлмаган фуқароларга ипотека кредитини ажратиш мақсадида уларнинг тўлов қобилиятини харажатлар орқали скоринг қилиш тартибини такомиллаштириш учун «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграцион платформасига манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан зарур маълумотларнинг ўз вақтида ва улуксиз киритилишини таъминласин.

14. Марказий банк, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг:

ҳалқаро молия институтларига Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида облигациялар чиқаришга рухсат бериш;

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг (кейинги ўринларда — Компания) устав капиталини 5-иловага* мувофиқ ошириш;

Компания ҳузурида ипотека облигацияларини чиқаришга ихтисослаштирилган махсус ваколатли ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш;

ипотека облигацияларини чиқариш амалиётини тартибга солишни назарда тутувчи «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режимини жорий этиш;

махсус ваколатли ташкилотга ипотека кредитлари жамланмалари билан таъминланган ва юқори ликвидли актив мақомига эга бўлган ипотека облигацияларини чиқаришга рухсат бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

15. Махсус ваколатли ташкилотнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

тижорат банкларидан сотиб олинган активларни (ипотека кредитлари жамланмаларини) балансга қабул қилиш;

тижорат банкларидан балансга қабул қилинган активлар (ипотека кредитлари жамланмалари) ҳисобини юритиш;

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тижорат банкларининг ипотека кредитлари жамланмалари таъминоти остида ипотека облигацияларини чиқариш;

тижорат банкларида махсус ҳисоб рақам очиш орқали ипотека кредитлари жамланмалари ва ипотека облигациялари бўйича мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилиш;

ипотека облигациялари эмиссиясини амалга ошириш.

16. Белгилаб қўйилсинки, «Тартибга солиш қумдони» махсус ҳуқуқий режими доирасида:

а) махсус ваколатли ташкилотнинг ипотека облигациялари «Тошкент» республика фонд биржаси» АЖДа жойлаштирилади ва уларнинг муомаласи ушбу биржа орқали амалга оширилади.

Бунда Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги ипотека облигациялари ҳамда Компаниянинг облигациялари билан РЕПО операцияларни «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ орқали амалга оширишга рухсат этилади;

б) Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган юридик шахсларнинг ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва улар қошидаги махсус ваколатли ташкилотлар томонидан 2030 йил 1 январга қадар эмиссия қилинган облигациялар бўйича ҳисобланган даромадлари фойда солиғидан озод қилинади.

Бунда ушбу имтиёз мазкур облигациялар муомалада бўлган даврда ҳисобланган барча даромадларга татбиқ этилади;

в) Компания ва махсус ваколатли ташкилотга иштирокчи тижорат банкларининг автоматлаштирилган дастурий тизимидаги тегишли ипотека кредитлари билан боғлиқ бўлган маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Компания сўровларига асосан ушбу Фармонга 2-иловада белгиланган маблағлар ҳисобидан Компанияга 20 йилгача муддатга Марказий банк асосий ставкасидан 1 фоиз бандга юқори ставкада кредит ресурслари ажратилишини таъминласин.

Белгилансинки:

ушбу ресурслар бирламчи уй-жой бозоридаги квартираларни сотиб олиш учун 20 йилгача муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасидан кўпи билан 6 фоиз бандга юқори бўлган ставкаларда ажратилган ва Компания томонидан белгиланган шартларга мос бўлган ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтирилади;

«яшил таъмир» кредитининг фоиз ставкасини пасайтириш учун Компанияга халқаро молия институтларидан жалб қилинган ресурслар билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ажратиладиган ресурсларни аралаштириб ишлатишга рухсат берилади.

18. 2025 йил 1 апрелдан бошлаб Компаниянинг устав капиталидаги давлат акция пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқини амалга ошириш ваколати Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк ва Компания билан бирга 2025 йил 1 июлга қадар Компаниянинг устав капиталига Давлат бюджети ҳисобидан келгуси тўрт йил давомида 1 триллион сўм ажратиш ҳамда

2030 йилга келиб унинг устав капиталини 5 триллион сўмга етказиш бўйича режа-график ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йилда:

қўшимча акцияларни чиқариш ва уларни номинал қийматида амалдаги акциядорлар ўртасида жойлаштириш орқали Компаниянинг устав капитални 1,4 триллион сўмга етказилишини;

Компаниянинг қўшимча чиқарилган акцияларини сотиб олиш учун Давлат бюджети ҳисобидан камида 100 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

19. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Марказий банк ҳамда Компания билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда қуйидагиларни назарда тутувчи Уй-жой ва ипотека бозорини барқарор ривожлантиришнинг миллий стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

урбанизация жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда уй-жой ва ипотека бозорини ривожлантиришда давлат сиёсатини юритишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш;

уй-жой ва ипотека бозорини ривожлантириш тамойиллари ва истиқболларини белгилашда бозорнинг барча иштирокчилари учун манфаатлар мувозанатини таъминлаш;

капитал бозоридан ипотека бозорига узоқ муддатли ресурсларни жалб этишнинг барқарор тизимини шакллантириш ва босқичма-босқич нодавлат сектор улушини ошириш чораларини белгилаш;

улуш киритиш ва ипотека кредити асосида уй-жойларни сотиб олишнинг ишончли ва самарали инфратузилмасини яратиш;

уй-жойлар қурилишида энергия самарадор қурилиш материалларидан фойдаланишни оммалаштириш.

20. Кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер тоифасидан тегишинча аҳоли пунктларининг ерлари ва саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилаётган ер майдонлари рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида 2026 йил 1 январга қадар ушбу Фармон билан тоифаси ўзгараётган суғориладиган ер участкалари майдонининг 5 баравари миқдорида 7-иловага* мувофиқ янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин.

Белгилансинки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари Кадастр агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан сўнг ўзлаштирилган ҳисобланади.

21. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

22. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби кўп квартирали уй-жойлар қурилишининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини қатъий назорат қилиб, ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киришиб борсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров, Марказий банк раиси Т.А. Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини назорат қилиш ҳамда ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 21 февраль,
ПФ–26-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****67 Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga
o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
17-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-17*

O‘zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksiga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2010-yil 20-avgustdagi 65-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2146, 2010-yil 11-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2010-y., 40-41-son, 356-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 15-yanvar,
219-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 19-fevralda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
15-yanvardagi 219-son buyrug'iga
ILOVA

Byudjet tasnifini qo'llash bo'yicha yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar

1. 19-bandning birinchi xatboshisi va 31-banddan “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. 77-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“77. 7 039 000 “Boshqa toifalarga kiritilmagan jamoat tartibi va xavfsizligi masalalari” bo'limi bo'yicha kapital qo'yilmalarga xarajatlar, jumladan, byudjet ajratmalari, byudjet ssudalari va boshqa manbalar hisobidan kapital qo'yilmalar, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi Personallashtirish agentligini, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Narkotiklarni nazorat qilish milliy markazini saqlash xarajatlari va boshqa xarajatlar aks ettiriladi.”.

3. 115-banddagi “ta'lim muassasalari” degan so'zlar “davlat ta'lim tashkilotlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 116-banddagi “muassasalarini” degan so'z “tashkilotlarini” degan so'z bilan almashtirilsin.

5. 136-bandning ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“41 11 210 “Umumiy o'rta, o'rta maxsus, professional davlat ta'lim tashkilotlarining o'rnak ko'rsatgan xodimlarini rag'batlantirishning Direktor jamg'armasi mablag'lari;”.

6. 137-bandda:

birinchi xatboshidagi “Umumta'lim, o'rta maxsus, professional ta'limi muassasalarining” degan so'zlar “Umumiy o'rta, o'rta maxsus, professional davlat ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “umumta'lim muassasalarida” degan so'zlar “davlat umumiy o'rta ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “professional ta'limi muassasalarining” degan so'zlar “professional davlat ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

beshinchi xatboshidagi “umumta'lim, o'rta-maxsus, professional ta'limi muassasalari” degan so'zlar “umumiy o'rta, o'rta maxsus, professional davlat ta'lim tashkilotlarining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 168-bandning birinchi xatboshisidan “, nodavlat notijorat tashkilotlariga grantlar (46 30 000 modda)” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

8. 169-banddan “, 46 30 000 “Nodavlat notijorat tashkilotlarga” moddasi esa joriy (46 31 000 kichik modda) va kapital grantlar (46 32 000 kichik modda) kichik moddalaridan” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

9. 184-bandning beshinchi xatboshisidagi “o'quv yurtlarida” degan so'zlar “ta'lim tashkilotlarida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

10. 1-ilovada:

1) 3 034 0 1 qator raqami 3 034 1 0 raqami bilan almashtirilsin;

- 2) 3 040 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi huzuridagi Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish jamg‘armasi”;
- 3) 3 041 0 0 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi huzuridagi Turizm qo‘mitasining byudjetdan tashqari Turizmni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi”;
- 4) 3 051 0 0 qatordagi “yoshlarni ijtimoiy” degan so‘zlar “xotin-qizlarni” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;
- 5) 3 056 2 2 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:
“3 057 0 0 Maktabgacha va maktab ta‘limi vaziri jamg‘armasi;
3 057 1 0 Respublika mablag‘lari”;
- 6) 3 073 2 2 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:
“3 074 0 0 “Markazlashtirilgan issiqlik tizimi infratuzilmasini rivojlantirish jamg‘armasi”;
3 074 2 0 Hududiy mablag‘lar;
3 074 2 1 Toshkent shahrining shahar darajasidagi mablag‘lari;
3 075 0 0 O‘zbekiston faxriylarining ijtimoiy faoliyatini qo‘llab-quvvatlash “Nuroniy” jamg‘armasi;
3 075 1 0 Respublika mablag‘lari”;
- 7) 4 011 0 0 qatordagi “Umumta‘lim muassasalarida” degan so‘zlar “Davlat umumiy o‘rta ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;
- 8) 4 015 0 0 qatordagi “ta‘lim muassasalarida” degan so‘zlar “davlat ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;
- 9) 4 800 2 2 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:
“4 900 0 0 Byudjet mablag‘lar manbai bo‘yicha chet el valyutasidagi mablag‘lar;
4 900 1 0 Respublika mablag‘lari”;
- 10) 6 000 2 2 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan to‘ldirilsin:
“6 100 0 0 Loyiha ofisi mablag‘lari;
6 100 1 0 Respublika mablag‘lari”.
11. 2-ilovada:
- 1) 3 151 203 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“Erkin muomalaga chiqarish (import)” bojxona rejimi bo‘yicha bojxona rasmiylashtiruv uchun yig‘imlar”;
- 2) 3 151 206 qator “Eksport” degan so‘zdan keyin “bojxona” degan so‘z bilan to‘ldirilsin;
- 3) 3 151 207 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“Boshqa bojxona rejimlari (“erkin muomalaga chiqarish (import)” va “eksport” bojxona rejimlaridan tashqari) bo‘yicha bojxona rasmiylashtiruv uchun yig‘imlar”;
- 4) 3 422 234 qatordagi “ta‘lim muassasalarida” degan so‘zlar “davlat ta‘lim tashkilotlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;
- 5) 3 422 235 qatordagi “muassasalarini” degan so‘z “tashkilotlarini” degan so‘z bilan almashtirilsin;

6) 3 422 964 va 3 422 965 qatorlardagi “Oliy ta’lim muassasalariga” degan soʻzlar “Davlat oliy ta’lim tashkilotlariga” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

7) 3 423 105 qatordagi “Ta’lim muassasalarida” degan soʻzlar “Davlat ta’lim tashkilotlarida” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

8) 3 430 109 qatordagi “Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi huzuridagi” degan soʻzlar “Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

9) 3 430 149 qatordagi “Qishloq xoʻjaligi vazirligi” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

10) 3 430 121 qatordan “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi” degan soʻzlar chiqarib tashlansin;

11) 3 620 119 qatordagi “Umumta’lim” degan soʻz “Umumiy oʻrta ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

12. 4-ilovada:

1) 7 011 211 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan toʻldirilsin:

“7 011 212 Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Ijtimoiy himoya milliy agentligining hududiy boʻlinmalarini saqlash xarajatlari”;

2) 7 011 313 qatordagi “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi” degan soʻzlar “Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

3) 7 011 330 va 7 011 331 qatorlardan “Vazirlar Mahkamasi huzuridagi” degan soʻzlar chiqarib tashlansin;

4) 7 018 507 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Davlat byudjetidan boshqa byudjetdan tashqari davlat jamgʻarmalariga beriladigan mablagʻlar”;

5) 7 018 522 qatordagi “Umumta’lim” degan soʻz “Umumiy oʻrta ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

6) 7 018 526 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan toʻldirilsin:

“7 018 527 Davlat maqsadli jamgʻarmalarining tijorat banklari depozitlariga qoʻyilgan vaqtinchalik boʻsh mablagʻlar;

7 018 532 Respublika byudjetidan kredit resurslari uchun ajratilgan mablagʻlar”;

7) 7 019 911 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan toʻldirilsin:

“7 019 912 Loyiha ofisi xarajatlari”;

8) 7 036 900 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan toʻldirilsin:

7 036 904 Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamentining Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasini saqlash xarajatlari”;

“7 036 903 Oʻzbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti qoshidagi Alkogol va tamaki bozorini tartibga solish inspeksiyasini saqlash xarajatlari;

9) 7 039 920 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Narkotiklarni nazorat qilish milliy markazini saqlash xarajatlari”;

10) 7 041 908 qatordagi “Bo’sh turgan obyektlardan samarali foydalanishni tashkil etish” degan soʻzlar “Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

11) 7 042 107 qatordagi “Qishloq xoʻjaligi vazirligi” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

12) 7 042 201 va 7 042 204 qatorlardagi “Tabiat resurslari” degan soʻzlar “Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim oʻzgarishi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

13) 7 042 405 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan toʻldirilsin:

“7 042 407 Suv xoʻjaligi obyektlarini ekspluatatsiya qilish agentligini saqlash xarajatlari;

7 042 408 Suv xoʻjaligi loyihalarini amalga oshirish departamentini saqlash xarajatlari”;

14) 7 043 202 va 7 043 203 qatorlardagi “Energetika vazirligi” degan soʻzlar “Vazirlar Mahkamasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

15) 7 045 197 qatordagi “Yoʻl-qurilish ishlari sifatini nazorat qilish inspeksiyasini” degan soʻzlar “Transport nazorati inspeksiyasini” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

16) 7 045 207 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan toʻldirilsin:

“7 045 208 Obodonlashtirish boshqarmalarining Ichki yoʻllarni saqlash va joriy taʼmirlash uchastkasini saqlash xarajatlari”;

17) 7 047 500 qatordagi “Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi” degan soʻzlar “Istiqbolli loyihalar” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

18) 7 047 902 qator chiqarib tashlansin;

19) 7 047 904 qatordagi “Turizm qoʻmitasi huzuridagi byudjetdan tashqari Turizm sohasini qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasi” degan soʻzlar “Turizm qoʻmitasining byudjetdan tashqari Turizmni qoʻllab-quvvatlash jamgʻarmasi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

20) 7 051 100 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan toʻldirilsin:

“7 051 200 Chiqindilarni boshqarish va sirkulyar iqtisodiyotni rivojlantirish agentligini saqlash xarajatlari”;

21) 7 071 301 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Protezlash, nogironligi boʻlgan shaxslarga tibbiy va reabilitatsiya jihozlari, uskunalari, vositalarini xarid qilish va yetkazish hamda davolash xarajatlari”;

22) 7 072 304 qator chiqarib tashlansin;

23) 7 074 100 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qoʻmitasi”;

24) 7 076 902 qatordagi “Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi” degan soʻzlar “Sogʻliqni saqlash vazirligi” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

25) 7 083 610 qatordagi “Bolalar-oʻsmirlar sport” degan soʻzlar “Sport” degan soʻz bilan almashtirilsin;

26) 7 083 620 qatordan “bolalar va oʻsmirlar” degan soʻzlar chiqarib tashlansin;

27) 7 092 600 qatordagi “ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “davlat ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

28) 7 094 100 qatordagi “muassasalari” degan soʻz “tashkilotlari” degan soʻz bilan almashtirilsin;

29) 7 096 413 va 7 096 424 qatorlardagi “muassasalarining” degan soʻz “tashkilotlarining” degan soʻz bilan almashtirilsin;

30) 7 096 414 qatordagi “muassasalarini” degan soʻz “tashkilotlarini” degan soʻz bilan almashtirilsin;

31) 7 096 415 va 7 096 417 qatorlardagi “umumta’lim” degan soʻz “umumiy oʻrta ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

32) 7 096 416, 7 096 421, 7 096 422, 7 096 423, 7 096 516 va 7 096 526 qatorlardagi “muassasalari” degan soʻz “tashkilotlari” degan soʻz bilan almashtirilsin;

33) 7 096 427, 7 096 428, 7 096 511 va 7 096 521 qatorlardagi “Umumta’lim” degan soʻz “Umumiy oʻrta ta’lim” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

34) 7 096 425, 7 096 426, 7 096 513 va 7 096 523 qatorlardagi “ta’lim muassasalari” degan soʻzlar “davlat ta’lim tashkilotlari” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

35) 7 096 516 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qator bilan toʻldirilsin:
“7 096 517 Maktabgacha ta’lim tashkilotlari”;

36) 7 103 600 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ayrim toifadagi iste’molchilarga yoqilgʻi-energetika resurslari narxlari oʻzgarishi munosabati bilan beriladigan moddiy yordam”;

37) 7 106 212 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan toʻldirilsin:

“7 106 213 Bazaviy meʼyor doirasidagi hamda bazaviy meʼyordan oshgan narxlar oʻrtasidagi farq uchun elektr energiyasiga kompensatsiya toʻlovlari;

7 106 214 Bazaviy meʼyor doirasidagi hamda bazaviy meʼyordan oshgan narxlar oʻrtasidagi farq uchun tabiiy gazga kompensatsiya toʻlovlari”;

38) 7 107 900 qatordagi “va Xorazm viloyati” degan soʻzlar “, viloyatlar va Toshkent shahri” degan soʻzlar bilan almashtirilsin;

39) 7 109 950 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Migratsiya agentligining Migratsiya jamgʻarmasi”.

13. 5-ilovada:

1) 41 11 210 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Umumiy oʻrta, oʻrta maxsus, professional davlat ta’lim tashkilotlarining oʻrnak koʻrsatgan xodimlarini ragʻbatlantirishning Direktor jamgʻarmasi mablagʻlari”;

2) 41 11 230 qatordagi “Maktabgacha ta’lim” degan soʻzlar “Byudjet” degan soʻz bilan almashtirilsin;

3) 46 21 300, 46 21 310 va 46 21 320 qatorlar chiqarib tashlansin;

4) 46 42 140 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan toʻldirilsin:

“46 42 300 Byudjetlararo transfertlar;

46 42 310 Davlat maqsadli jamgʻarmalari;

46 42 320 Boshqa maqsadli jamgʻarmalar”.

14. 5a-ilovada:

1) 41 11 210 qatorning nomi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Umumiy oʻrta, oʻrta maxsus, professional davlat taʼlim tashkilotlarining oʻrnak koʻrsatgan xodimlarini ragʻbatlantirishning Direktor jamgʻarmasi mablagʻlari”;

2) 41 11 230 qatordagi “Maktabgacha taʼlim” degan soʻzlar “Byudjet” degan soʻz bilan almashtirilsin;

3) 46 42 140 qatordan keyin quyidagi mazmundagi qatorlar bilan toʻldirilsin:

4) 46 21 300, 46 21 310 va 46 21 320 qatorlar chiqarib tashlansin;

“46 42 300 Byudjetlararo transfertlar;

46 42 320 Boshqa maqsadli jamgʻarmalar;.

46 42 310 Davlat maqsadli jamgʻarmalari;”.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО
АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

68 «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини (AR-AIR-002) тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3608*

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 41-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 июндаги ПФ–94-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бююрман:**

1. «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш» Ўзбекистон Республикаси авиация қоидалари (AR-AIR-002) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Т. НАЗАРОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 январь,
3196-сон

Келишилди:

Транспорт вазири

И. МАХКАМОВ

2025 йил 8 январь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 20 февралда эълон қилинган.

*Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2025 йил 9 январь

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2025 йил 21 январь

Савдо-саноат палата раиси

Д. ВАХАБОВ

2025 йил 4 январь

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг
2025 йил 22 январдаги 3196-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**«Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш
белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш» Ўзбекистон
Республикаси авиация қоидалари (AR-AIR-002)**

Мазкур Қоидалар фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг давлат реестрида рўйхатга олинган фуқаро ҳаво кемаларига нисбатан татбиқ этилади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

автожир — вертикал ҳолатда жойлашган ўқлар атрофида эркин айланидиган битта ёки бир нечта ташувчи (асосий) винтларнинг ҳаво билан реакциялари ҳисобига парвозни амалга оширадиган ҳаводан оғир ҳаво кемаси;

аэростат — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилмайдиган ҳаводан энгил ҳаво кемаси;

вертолёт — двигатель ёрдамида вертикал ҳолатда жойлашган ўқлар атрофида айлантириладиган битта ёки бир нечта ташувчи (асосий) винтларнинг ҳаво билан реакциялари ҳисобига парвозни амалга оширадиган ҳаводан оғир ҳаво кемаси;

винт моторли қурилма — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган ва битта ёки бир нечта ташувчи (асосий) винтларнинг ҳаво билан реакциялари ҳисобига парвозни амалга оширадиган ҳаводан оғир ҳаво кемаси;

ҳаво кемаси — ҳаво билан ўзаро таъсир ҳисобига, ер сатҳидан қайтган ҳаво билан ўзаро таъсирдан ташқари, атмосферада ҳаракатланадиган учиш аппарати;

дирижабль — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган ҳаводан энгил ҳаво кемаси;

ҳаводан энгил ҳаво кемаси — аэростатик кўтариш кучи ҳисобига ҳавода ушлаб туриладиган ҳар қандай учиш аппарати;

ҳаводан оғир ҳаво кемаси — парвозда кўтариш кучи аэродинамик кучлар ҳисобига пайдо бўладиган ҳар қандай учиш аппарати;

орнитоптер — қанот қоқиш ҳисобига қанот юзлари ҳаво билан ўзаро таъсир натижасида парвозни амалга оширадиган ҳаводан оғир ҳаво кемаси;

планер — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилмайдиган ва парвоздаги кўтариш кучи ҳаракатланмайдиган қанот юзларида аэродинамик реакциялар ҳисобига пайдо бўладиган ҳаводан оғир ҳаво кемаси;

самолёт — двигатель ёрдамида ҳаракатга келтириладиган ва парвоздаги кўтариш кучи ҳаракатланмайдиган қанот юзларида аэродинамик реакциялар ҳисобига пайдо бўладиган ҳаводан оғир ҳаво кемаси;

давлат таниш белгиси — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) веб-сайтидаги «Давлат таниш белгилар, миллий герблар ва умумий ҳаво кемалар белгилари» рўйхатида Ўзбекистон Республикаси учун назарда тутилган лотин алифбосининг «УК» иккита ҳарфидан иборат бўлган белги;

рўйхат белгиси — ҳаво кемасига «Ўзавиация» агентлиги томонидан белгиланадиган беш араб рақамларидан ташкил топган белги.

2. Фуқаро ҳаво кемасига унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси қайд этилади.

3. Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисидан ташқари фуқаро ҳаво кемаларига бошқа белгилар (рамзлар, ёзувлар, нишонлар) қўйилиши мумкин.

4. Ҳаво кемалари мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ таснифланади.

2-боб. Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси

5. Давлат таниш белгиси лотин алифбосининг «УК» иккита ҳарфидан, рўйхат белгиси беш араб рақамларидан ташкил топади.

6. Давлат таниш белгиси рўйхат белгисидан олдин қайд этилади.

7. Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) веб-сайтидаги «Давлат таниш белгилар, миллий герблар ва умумий ҳаво кемалар белгилари» рўйхатида давлат таниш белгиси назарда тугилади.

8. Фуқаро ҳаво кемасига давлат таниш ва рўйхат белгилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон «Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ тайинланади.

3-боб. Фуқаро ҳаво кемасига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини қайд этиш

9. Фуқаро ҳаво кемасига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини қайд этишда сақланиш хусусиятини йўқотмайдиган бўёқ ёки шунга ўхшаш воситалардан фойдаланилади.

10. Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси ҳаводан энгил ҳаво кемаларига:

дирижаблнинг корпуси бўйлаб икки томонига ҳамда симметрия чизиғи бўйлаб устки юзасига;

шар шаклидаги аэростатнинг максимал горизонтал айланасига яқин икки диаметрал қарама-қарши томонига;

шар шаклига эга бўлмаган аэростат чизигининг максимал кўндаланг кесимига яқин бевосита осма белбоғи устида ёки саватнинг осма арқонларини қотириш нуқталари устида икки томонига қайд этилиши керак.

Ён томондаги белгилар ҳаводан энгил ҳаво кемаларига иккала томондан ва ердан кўринадиган тарзда қайд этилиши керак.

11. Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси ҳаводан оғир ҳаво кемаларига:

фуқаро ҳаво кемаси чап қаноти конструкцияси пастки юзасининг чап томонига (бунда, рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси қанотнинг олд қисмига параллел ҳолда жойлаштирилиши керак);

фуқаро ҳаво кемаси фюзеляжининг қанотлари ва дум қанотлари орасидаги қисмининг ён томонлари юзасига горизонтал йўналиш бўйича қатъий перпендикуляр;

фуқаро ҳаво кемаси фюзеляжининг қанотлари ва дум қанотлари орасидаги қисмининг ён томонлари юзасида рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини қайд этиш учун бўш жой бўлмаганда, фуқаро ҳаво кемаси вертикал дум қаноти юзасининг пастки қисмига ҳар икки томонидан;

вертолётда унинг дум балкасининг ҳар икки томонига қайд этилади.

4-боб. Рўйхат белгисининг ва давлат таниш белгисининг ўлчамлари

12. Ҳар бир рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси гуруҳидаги ҳарфлар ва рақамлар бир хил баландликка эга бўлиши керак.

13. Ҳаводан энгил ҳаво кемаларидаги қайд этиладиган ҳарф ва рақамларнинг баландлиги 50 см дан кам бўлмаслиги лозим.

14. Ҳаводан оғир ҳаво кемаларининг қанотларидаги қайд этиладиган ҳарф ва рақамларнинг баландлиги 50 см дан кам бўлмаслиги лозим.

Ҳаводан оғир ҳаво кемаларининг фюзеляжидаги ҳамда вертикал дум қаноти юзасидаги (шу жумладан, вертолёт дум балкасидаги) қайд этиладиган ҳарф ва рақамларнинг баландлиги 30 см дан кам бўлмаслиги лозим.

15. Фуқаро ҳаво кемасида унинг рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси қайд этилиши лозим бўлган қисмлари (фюзеляж, қанот, вертикал дум қанот, балка) бўлмаса ёки мазкур қисмлар ўлчами тегишли ўлчамдаги рўйхат

белгисини ва давлат таниш белгисини қайд қилиш учун кичик бўлса, ушбу белгилар фуқаро ҳаво кемасини тезда аниқлаш имконини берадиган ўлчамларда қайд этилиши лозим.

5-боб. Рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини қайд этиш учун қўлланиладиган ҳарф ва рақамлар

16. Ҳарфлар лотин алифбосининг бош ҳарфларидан, рақамлар эса, араб рақамларидан ташкил топади. Ҳарф ва рақамлар бир хил ўлчамда, нақшларсиз бўлиши лозим.

17. Ҳарф ва рақамларнинг кенглиги («I» ҳарфи ва «1» рақамидан ташқари) ҳамда дефиснинг (агар қўлланилса) узунлиги ҳарф ва рақамлар баландлигининг учдан икки қисмига тенг бўлиши лозим.

18. Ҳарфлар, рақамлар ва дефислар узлуксиз чизик билан фоннинг равшанлигини таъминловчи рангда (масалан, оч фонда қора ранг ёки қора фонда оқ рангда) бўлиши лозим.

19. Ҳарфлар, рақамлар ва дефислар чизигининг қалинлиги ҳарф ва рақамлар баландлигининг олтидан бир қисмига тенг бўлиши керак.

20. Ҳарфлар ва рақамларнинг орасидаги масофа ҳарф ва рақамлар кенглигининг тўртдан бир қисмига тенг бўлиши керак. Бунда, дефис алоҳида ҳарф сифатида қабул қилинади.

6-боб. Танитувчи табло

21. Танитувчи таблода ўйма усулда фуқаро ҳаво кемасининг тури, унинг рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси ҳамда серия рақами давлат ва инглиз тилларида кўрсатилиши лозим.

Танитувчи табло иссиқликка дош берувчи оловга чидамли материалдан мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган намунага мувофиқ тайёрланган бўлиши лозим.

22. Танитувчи табло фуқаро ҳаво кемасининг асосий кириш йўлагида кўринадиган жойда ўрнатилиши лозим.

7-боб. Фуқаро ҳаво кемасига бошқа белгиларни қайд этиш


23. Фуқаро ҳаво кемасининг ташқи конструкцияси элементларига бошқа белгилар (рамзлар, ёзувлар, нишонлар) қайд этилади.

Бунда, ушбу белгилар фуқаро ҳаво кемасининг ташқи юзасига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгиси кўринишини ёмонлаштирадиган тарзда қайд этилади.

24. Фуқаро ҳаво кемасининг ташқи ва ички конструкцияси элементларига махсус белгилар ва тушунтирувчи ёзувлар тарзида қўшимча белгилар ҳам қайд этилади.


«Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат
 белгисини ва давлат таниш белгисини
 ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш»
 Ўзбекистон Республикаси авиация
 қоидаларига (AR-AIR-002)
 1-ИЛОВА

Ҳаво кемасининг таснифи



«Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат
 белгисини ва давлат таниш белгисини
 ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш»
 Ўзбекистон Республикаси авиация
 қоидаларига (AR-AIR-002)
 2-ИЛОВА

Танитувчи табло намунаси



Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг
2025 йил 22 январдаги 3196-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 27 июндаги 81-Н-сон «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларини (ЎЗР АҚ-44) тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2811, 2016 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 344-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 22 декабрдаги 104-Н-сон «Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-44) ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2811-1, 2017 йил 29 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.12.2017 й., 10/17/2811-1/0480-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

69 Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундирилдиган тўловларнинг максимал миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-5

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон «Нодавлат нотариал фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 29 майдаги 112-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3235, 2020 йил 29 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 10/20/3235/0698-сон) билан тасдиқланган Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундирилдиган тўловларнинг максимал миқдорларининг матни иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 мартдан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2025 йил 19 февраль,
4-мх-сон

Келишилди:

**Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси раиси**

Ҳ. ТУРАХУЖАЕВ

2025 йил 14 февраль

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2025 йил 19 февралдаги
4-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган
ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар
учун ундириладиган тўловларнинг
МАКСИМАЛ МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар номи	Ҳақ миқдори* (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан)
1-боб. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш учун		
1.	Кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек гаров (ипотека) ва лизинг шартномаларини тасдиқлаш	15%
2.	Мерос иши	20%
3.	Далилларни таъминлаш	20%
4.	1 — 3-бандларда назарда тутилмаган бошқа нотариал ҳаракатларни амалга ошириш	5%
2-боб. Нотариал тасдиқланадиган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун		
5.	Автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари	20%
6.	Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари	30%
7.	Гаров (ипотека) ва лизинг шартномалари	25% (жисмоний шахслар учун ёки тарафлардан бири жисмоний шахс бўлса) 100% (тарафларнинг барчаси юридик шахс бўлса)
8.	Мулк ижара шартномалари	20%
9.	Профессионал медиатор сифатида тасдиқланадиган медиатив келишувлар	55%
10.	Ишончномалар	10%
11.	5 — 10-бандларда назарда тутилмаган бошқа битимлар	20%
12.	Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар	100%
13.	Далилларни таъминлаш бўйича ҳужжатлар	100%

14.	13 ва 14-бандларда назарда тутилмаган бошқа нотариал ҳаракатлар бўйича ҳужжатлар	10%
3-боб. Техник тусдаги ҳаракатлар амалга оширилиши учун		
15.	«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали маълумот чоп этиш ёки техник воситалар ёрдамида ҳужжатлардан нусхалар кўчириш (ҳар бир бет учун)	0,5%
16.	Ҳужжатлардан кўчирмалар тайёрлаш (ҳар бир бет учун)	2%
4-боб. Бошқа қўшимча ҳаракатлар амалга оширилиши учун		
17.	Апостиль қўйиш ва (ёки) ҳужжатларни легаллаштириш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш	20%
18.	«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали кўчмас мулк ёки автототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлигини текшириш ёки бу ҳақда маълумотнома бериш (ҳар битта мулк учун)**	15%
19.	«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали солиқлар, коммунал хизматлар ва электр энергияси бўйича қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш учун электрон ариза тўлдириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси маълумотлар базаси орқали ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириш (ҳар бир нотариал ҳаракат учун бир маротаба)	10%
20.	Ҳужжатларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш (ҳар бир бет учун)	15%
21.	Умумий улушли мулк иштирокчисини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида хабардор қилиш	20%
22.	Нотариал ҳаракатни масофадан туриб расмийлаштиришда видеоконференцалоқа хизматини кўрсатиш	30%
23.	Нотариал ҳаракатни нотариал идора биносидан ташқарида амалга ошириш (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни 11-моддасида давлат божи тўлашдан озод этилган нотариал ҳаракатлар бўйича белгиланган ҳақ миқдорининг 50 фоизи ундирилади)	50%
24.	Нотариал ҳаракатни амалга оширишда бошқа ташкилотлардан маълумотлар олиш учун сўровномалар ёзиш (электрон шаклда ёзилган сўровномалар бундан мустасно)	5%
25.	Ҳужжатларни сақлаш (ҳар 250 варақчага бўлган ҳужжатлар учун бир суткага)	0,5%
26.	Пул суммалари ёки қимматли қоғозларни депозитда сақлаш (бир суткага)	1%
27.	Нотариал ҳаракатлар доирасида курьерлик хизмати кўрсатиш	10%

28.	Нотариус томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-илоvasида назарда тутилган Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотлар берилганлиги учун ундириладиган йиғимлар ставкаларининг 4-бандида белгиланган ҳужжатларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали олиш ва чоп этиш (ҳар бир юридик шахс учун)***	5%
29.	Мол-мулкка қўйилган тақиқни (хатловни) бекор қилиш ёки бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкига киритиш (ҳар бир мулк учун)	5%

* Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларида (бундан буён матнда ҳақ миқдорлари деб юритилди) белгиланган ҳақ миқдоридан ортиқ ундирилишига йўл қўйилмайди. Бунда тўловлар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан белгиланганидан кам миқдорда ундирилиши мумкин.

Нотариус томонидан мурожаат этувчи шахсларга Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасига асосан нотариус томонидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда нотариал тартибда тасдиқланадиган битим лойиҳасини мустақил тайёрлаган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқий ҳамда техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ тўлашдан озод этилиши тушунтирилиши шарт.

Битта нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мазкур ҳақ миқдорларининг 1-бобида назарда тутилган ҳуқуқий тушунтиришлардан бири бир неча мартаба берилганда улар учун битта ҳуқуқий тушунтириш учун назарда тутилган ҳақ миқдоридан тўлов ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4871-сон «Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан маиший тусдаги офатлар (турар, нотурар-жойнинг ёнгини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнгини) юз берганлиги оқибатида жисмоний шахсларнинг айбисиз йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ҳамда реестрлардан кўчирмалар беришда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундирилмайди.

** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал

архивлар «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали қўчмас мулк ёки автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва (ёки) хатланмаганлигини текшириш ёки бу ҳақда маълумотнома бериш юзасидан электрон маълумотлар банкни юритиш бўйича базавий идора ҳисобланганлиги сабабли, мазкур ҳақ миқдорларининг 18-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорларининг 50 фоизи адлия органларининг бюджетдан ташқари давлат божи йигиладиган шахсий газна ҳисобварақларига йўналтирилади, шунингдек келгусида идоравий нотариал архивларни молиялаштириш ҳамда адлия органларини ривожлантириш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланади.

*** Мазкур ҳақ миқдорларининг 28-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорининг 50 фоизи ҳамда 22-бандида назарда тутилган максимал ҳақ миқдорининг 10 фоизи «Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси ҳисоб рақамига вазирлик ахборот тизимларини ривожлантириш учун йўналтирилади.».

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 15-yanvardagi 219-son “Byudjet tasnifini qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2025-yil 17-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2146-17.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг 2025 йил 22 январдаги 3196-сон “Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгисини ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларини (AR-AIR-002) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3608.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2025 йил 19 февралдаги 4-мх-сон “Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ундириладиган тўловларнинг максимал миқдорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2025 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3235-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 27 июндаги 81-Н-сон “Фуқаро ҳаво кемаларига рўйхат белгиси ва давлат таниш белгисини ҳамда бошқа белгиларни қайд этиш авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-44) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2811, 2016 йил 14 июль), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2811-1, 2017 йил 29 декабрь).

2025 йил 19 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.